Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 73 (4768).
31 МАРТ 1982 й
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон пойтахтидаги Ҳамза райони корхоналари ва қурилишларининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан нишонладилар. Республика социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун 1981 йил якунларига кўра, Ҳамза райони Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғига сазовор бўлди.

30 март куни район меҳнат коллективлари вакилларининг мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Байроқни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков топширди.

Йиғилиш қатнашчилари ўз ишларига юксак баҳо берганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва республика ҳукуматига сидқидилдан миннатдорчилик билдирдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикага Ленин ордени топшириш вақтида сўзлаган нутқида Ўзбекистон меҳнаткашлари олдига қўйган вазифаларни бажариш учун ўзимизнинг бутун куч, билим ва маҳоратимизни сарфлаймиз ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янгидан янги зафарлар билан кутиб оламиз, деб ишонтирдилар.

(ЎзТАГ).

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

БИРИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИ ТАЙЁР

Тошкент саноат, транспорт, алоқа корхоналари коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада муҳим марради эгалладилар. Кеча шаҳар индустрияси маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча талайгина машинасозлик ва приборсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари етказиб берилди.

Социалистик мусобақада шаҳардаги Ҳамза, Акмал Икромов, Куйбишев, Киров ва бошқа районларнинг меҳнат коллективлари юксак суръатларга эришдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ!

Юксак гражданлик ва ватанпарварлик, Октябрь идеалларига содиқлик Ўзбекистон ёш авлодига хос фазилатлардир. Йигит ва қизлар коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида зўр ташаббускорлик, ғайрат-шижоат ва оптимизм билан меҳнат қилмоқдалар, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, беш йилликнинг тиғиз планларини бажариш учун актив курашмоқдалар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига вахтани муносиб равишда давом эттирмоқдалар. Леонид Ильич Брежнев яқинда республикага келганлиги уларнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Леонид Ильич Ўзбекистонга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин орденини топширди. Ўртоқ Л И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларини ёш ватанпарварлар чин қалбдан қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида республика меҳнаткашлари олдига янги улуғвор вазифалар қўйилди.

Республика комсомоллари ўзининг навбатдаги — Ўзбекистон ЛКСМ XXII съездини жипслашган, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган, ўз сафларини анча кенгайтирган ҳолда кутиб олдилар. Ёшлар жанговар отрядининг энг яхши вакиллари завод ва фабрикаларнинг цехларидан, зарбдор қурилишлардан, далалар ва фермалардан, студентлар аудиторияларидан ва мактаб синфларидан Тошкентга келдилар. Съезд очилиши арафасида делегатлар В. И. Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гуллар ва гулчамбарлар қўйишди.

...30 март. Санъат саройи байрам либосида. Эрталаб соат ўн. Республика ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг XXII съезди очиқ деб эълон қилинади.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, социалистик мусобақа ғолиблари, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари президиумдан жой оладилар. Президиумда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Есин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. В. Федулова, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарёв, СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. Н. Глазков бор эдилар.

Замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг Қизил байроғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг эсдалик байроғи, ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик байроғи, Октябрь революцияси номли завод биринчи комсомол ячейкасининг Қизил байроғи марш садолари остида залга олиб кирилади.

Съезд секретариати, редакцион, мандат комиссиялари бир овоздан сайланади.

Съезд кун тартибида қуйидаги масалалар бор:

1. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорлари асосида республика комсомол ташкилотларининг вазифалари.

2. Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. Ўзбекистон ЛКСМ раҳбар органларини сайлаш.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади, съезд аҳли уни самимий кутиб олди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди.

Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг раиси М. Н. Грибинюченко комиссия номидан доклад қилди.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари М. М. Маҳмудов, Самарқанд химия заводининг аппаратчиси И. П. Крикунова, Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг биринчи секретари П. М. Авезов, Сурхондарё область Ангор районидаги Куйбишев номли колхоз комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг раҳбари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Х. Бозоров, Андижон область комсомол комитетининг биринчи секретари И. Ш. Алимов, Жиззах область «Мирзачулсовхозстрой» тресги 12-кўчма механизациялашган колоннаси комсомол-ёшлар комплекс бригадасининг раҳбари А. Саломов, Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров, СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. Н. Глазков, Наманган область комсомол комитетининг биринчи секретари Д. Д. Дадажонова, Қашқадарё область «III интернационал» совхози комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадасининг раҳбари Г. Турсунов, Фарғона область комсомол комитетининг биринчи секретари И. Н. Фозилов, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари Ю. Коробов, Сирдарё область комсомол комитетининг биринчи секретари П. Д. Дўстмаматов, «Ёшлик» журналининг бош редактори Э. В. Воҳидов, Сурхондарё область комсомол комитетининг биринчи секретари А. А. Аҳмедов, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти Л. Зоирова қатнашдилар.

Съезд мандат комиссиясининг раиси Р. В. Абдуқодиров шу комиссия номидан қилган докладни тасдиқлади.

Съезд делегатларини ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округининг жангчилари қизғин табрикладилар.

Съезд номига келган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон комсомолининг XXII съезди ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ҳурматли делегат ўртоқлар!

Азиз ёш дўстлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республиканинг барча коммунистлари номидан сизларни ва сизлар орқали уч миллионли комсомоллар армиясини Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг XXII съезди очилиши билан қизғин табриклашга рухсат этгайсиз. Съезд ишида қатнашаётган ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. В. Федуловани ва СССРнинг космонавт учувчиси ўртоқ Ю. Н. Глазковни самимий табриклашга рухсат бергайсиз.

Комсомолнинг ҳар бир съезди — бутун ижтимоий-сиёсий турмушимизда муҳим воқеадир. Комсомол ҳамиша партиямизнинг жанговар ёрдамчиси, ишончли резерви бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Янги жамият бунёдкорларининг ҳамма авлодлари комсомол сабоғини, ҳаёт сабоғини ва коммунизмни ўрганиш сабоғини олганлар.

Ҳозирги ёш авлод ота-боболар ишини муқаддас билиб, унга содиқ бўлиб қолмоқда, уларнинг ажойиб революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини ардоқлаб асрамоқда ва ривожлантирмоқда. Коммунистик қурилиш режаларининг тақдири ҳал этилаётган ҳамма жойда, мамлакатнинг келгусидаги қиёфаси белгиланаётган жойларда юз минглаб, миллионлаб йигит ва қизлар меҳнат қилмоқдалар. Ленин комсомоли меҳнатда зўр шуҳрат қозонди, партиянинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида таъкидлаб ўтганидек, «сиёсий актив, билимдон, меҳнатни севадиган ва ишлаш маҳоратига эга бўлган, ўз Ватанини ҳимоя қилишга доимо шай бўлиб турган кишилар авлодини вояга етказишга кўмаклашиш» — комсомолнинг энг муҳим вазифасидир.

Бугун биз комсомол партия наказини муваффақиятли бажараётганини зўр мамнуният билан қайд этамиз. Барча комсомолларимиз, ҳамма ёшларимиз олижаноб муддаолари ва битмас-туганмас куч-ғайрати, партия билан халқ идеалларига содиқлиги, ўзининг Ватан олдидаги, тарих олдидаги муқаддас бурчини юксак даражада англаши билан ажралиб турганлиги бизни фахрлантиради.

Азиз дўстлар, сизларнинг съездингиз шонли даврда — дунёда биринчи кўп миллатли иттифоқ давлати — ленинча миллий сиёсатнинг жонли тимсоли бўлган СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ўтмоқда.

Сизларнинг съездингиз алоҳида анжумандир, чунки у ўртоқ Леонид Ильич Брежнев республикамизга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин орденини топширганлиги муносабати билан битмас-туганмас қувончга, завқ-шавққа ва ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган кунларда ўтмоқда. Биз ҳаммамиз шу тарихий воқеага бағишланган тантанали мажлисда Леонид Ильич сўзлаган программа тарзидаги нутқдан олинган сўнмас таассурот билан яшаб турибмиз.

Халқимизнинг бахт-саодати ва омон-эсонлиги тўғрисидаги, Ер юзида тинчлик ҳақидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган шу оқилона ва ёрқин нутқда республикамиз экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш йўллари, бу вазифаларни ҳал этишда комсомолнинг ўрни ва роли аниқ-равшан белгиланган.

КПСС Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг доимий диққат-эътибори туфайли Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни муваффақиятли туғалладилар, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини янги ғалабалар билан нишонладилар.

Ўтган йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра, Ўзбекистон сурункасига тўққизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Бу — ишчиларимиз, колхозчиларимиз. зиёлиларимиз қилган фидокорона меҳнатининг эътирофидир. Бу — ёшларимиз салмоқли меҳнат ҳиссасига ҳам берилган баҳодир. Ёшларимиз коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Заводларда, қурилиш ва фабрикаларда, пахтазорларда ва чорвачилик фермаларида, илмий лабораторияларда, мактабларда ёшларимиз Лениннинг «ишчилар ва деҳқонлар билан биргаликдаги меҳнатдагина ҳақиқий коммунистлар бўлиб етишиш мумкин» деган васиятини муқаддас билиб бажо келтирмоқдалар.

«Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижоди — ўн биринчи беш йилликка» деган шиор остидаги ватанпарварлик ҳаракатида бир ярим миллионга яқин йигит ва қиз қатнашмоқда. Улардан неча юзлаб кишилар бир беш йилликда икки беш йилликни бажаришга аҳд қилиб, шараф билан ўз сўзининг устидан чиқмоқда.

Ажойиб ёшларимиз кўпгина яхши ишлар қилдилар. Ўнлаб зарбдор комсомол қурилишлари битказилганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, маккажўхори дони етиштириш, чорвачилик оталиққа олинганлиги шу ишлар жумласига киради.

Комсомоллар, ёшларимиз БАМда, Тюменда, Ноқоратупроқ ўлкада ва мамлакатнинг бошқа энг муҳим объектларида меҳнат қилаётганлиги билан фахрланамиз. Бундай қурилишларда қатнашиш — меҳнаткаш, коллективчи, интернационалист граждан бўлмиш совет кишиси камол топадиган ҳақиқий мактабдир, унинг энг яхши фазилатлари қиёмига етадиган мактабдир. Комсомолларимиз, ёшларимиз ўз интернационал бурчини бажо келтириб, Ангола ва Мозамбикда, Сурия ва Афғонистонда ишлаётганликлари, янги турмуш қуришда шу мамлакатларнинг халқларига ёрдам бераётганликлари билан фахрланамиз. Ленин комсомоли тарбиялаб вояга етказган ёшларимиз бундан буён ҳам шу катта ишнинг актив қатнашчилари бўлиб қолаберишларига ишончимиз комил.

Мана шуларнинг ҳаммаси учун сизларга раҳмат, комсомол ўртоқлар, республиканинг барча ёшларига раҳмат.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Биз жуда салмоқли натижаларга эришдик, аммо бу натижалар олға ҳаракат қилиш учун илк позиция, холос. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантириш йўллари ва воситалари КПСС XXVI съездида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездидаги ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида белгилаб берилди.

Ўн биринчи беш йиллик ва унинг ҳар бир йилидаги ишимиз якунлари бу йўлдаги муҳим босқичдир.

Саноат, транспорт ва алоқа ходимлари, қурувчилар, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари — пахтакорлар, чорвадорлар, маккажўхорикорлар, сабзавоткорлар ва боғдорлар беш йилликнинг иккинчи йили юксак социалистик мажбуриятларини қабул қилганликларини яхши биласизлар.

Биз кўпгина янги йирик ишлаб чиқариш ва социал-маданий-маиший объектларни қуриб битказишимиз, 100 минг гектарга яқин янги ер ўзлаштиришимиз лозим. Халқ хўжалигида иқтисодий тежашни ва тежамкорликни янада кучайтириш тадбирлари белгиланган.

Вазифаларимиз — масъулиятли, истиқболларимиз — катта, бинобарин, ижод қилиш, изланиш, ғайрат кўрсатиш учун куч сарфланадиган соҳалар аниқ. Комсомоллар, барча ёшларимиз ўзларига хос ғайрат ва шижоат билан шу вазифаларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшишларига шубҳаланмаймиз, бунга ишончимиз комил.

Биз қатъий аминмизки, комсомоллар, барча ёшларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Советининг республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларига, халқ хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларига, коммунистлари ва комсомолларига, барча меҳнаткашларига яқинда эълон қилинган Мурожаатномасига лаббай, деб жавоб қайтарадилар ва ўз меҳнатлари, ғайрат-шижоатлари билан умумхалқ ишига ҳисса қўшадилар.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Ёшларнинг коммунистик қурилишдаги иштироки, уларнинг социал активлиги комсомолнинг тарбиявий ишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Сиёсий жиҳатдан етук, аҳлоқий жиҳатдан камол топган, актив ҳаётий позицияда турган, юксак ғоявий ёшларни тарбиялаб етиштириш ҳамиша комсомолнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ёшларимиз аввало сиёсий жиҳатдан ўқимишли, ижтимоий ривожланиш қонунлари тўғрисидаги, социализм ва коммунизм қуриш ҳақидаги зарур билимларни эгаллаган бўлишлари керак. Барча ёшларимизнинг марксизм-ленинизм классиклари асарларини, КПСС XXVI съезди ҳужжатларини, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини чуқур ўрганишларини таъминлаш лозим.

Сиёсий ўқиш ва иқтисодий таълим комсомолларнинг амалий ишлари билан, уларнинг ўз турмуши билан ёшларнинг ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишга иштиёқманд қилиб тарбиялаш билан узвий равишда боғланишига сабот билан ҳаракат қилиш керак.

Ҳозир энг асосий социал вазифаларимиз аввало меҳнатда ҳал этилмоқда, шу сабабли меҳнаткаш инсонни тарбиялаб вояга етказиш комсомол ишининг энг муҳим қисми бўлиб қолиши лозим.

Комсомол ташкилотларининг бурчи ёшларни меҳнатга актив, ижодий ва онгли назар билан қарайдиган қилиб, умумхалқ вазифаларини ҳал этишда ўзининг актив иштирок этиши учун социал масъулият юксак туйғусини англайдиган қилиб тарбиялашдан иборат.

Бу соҳада кўп иш қилинди, аммо ҳали қилинадиган ишлар бундан ҳам кўп. Баъзи ёшларимиз умуман маълумотли ва хабардор бўлсалар ҳам, айни вақтда сиёсий соддадилдирлар, касб-корни яхши эгаллаган бўлсалар ҳам, бурч туйғуси етишмайди. Ҳунар-техника билим юртларимизни, олий ва ўрта махсус ўқув юртларимизни битириб чиққан кишилар муайян жойга тайинланган бўлсалар ҳам, кўпинча иш жойига бормаяптилар. Бир қанча ёшлар ўз ихтисосига кўра ишламаяпти.

Ота-оналарнинг бир қисми орасида бизнинг фарзандларимиз албатта фан, маданият ва санъат соҳасида ишлаши керак, ишлаб чиқаришда ишламаслиги керак, деган фикр тарқалган.

Бироқ, шу ёшлар меҳнат коллективларидан ажралиб қолсалар, меҳнат тарбиясини қаерда оладилар, социал камолотга қаерда етадилар? Ҳам уй, ҳам оила, ҳам мактаб вазифаларини ўзида бирлаштирувчи меҳнат коллективидагина меҳнатга иштиёқ, ҳалоллик, жамият олдидаги масъулиятни сезиш фазилатлари тарбияланади-ку, ахир.

Комсомол ташкилотлари ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни кучайтиришлари, олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб чиққан ҳамма кишилар ўз ихтисосига яраша, йўлланма берилган жойда ишлашига эришишлари керак.

Республикада ҳунар-техника таълими системасида ёш ишчиларни тайёрлашнинг яхши тажрибаси орттирилди, бунга Леонид Ильич Брежнев ижобий баҳо берди. Шу билан бирга ишчилар синфи юксак суръатлар билан ўсаётганлиги, жумладан, комсомолнинг ҳам зиммасига ёш ишчиларга касб-кор ўргатиш, уларни ғоявий-маънавий жиҳатдан чиниқтириш учун алоҳида масъулият юклатади.

Ёшларга, ишчилар синфи ҳазрати олийларига, ижодкор синф, бунёдкор синфга мансублик билан фахрланишдек мўътабар туйғуни сингдириш лозим.

Ёш авлод тарбиясини яхшилашда, унинг касб-кор маҳоратини оширишда кекса ишчиларнинг ёшларга оталиқ қилишлари муҳим роль ўйнайди. Мураббийлик — ҳар бир звено, ҳар бир бригада, ҳар бир меҳнат коллективининг турмуш нормаси бўлиб қолиши зарур.

Комсомол ташкилотлари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев кўрсатмаларига амал қилиб, хотин-қизлардан кадрлар тайёрлаш, уларнинг умумий билими ва касб маҳоратини ошириш ишларини ғоят кучайтиришлари, уларнинг актив ва сермазмун ижтимоий ҳаёти учун шароит яратишлари лозим. Қизларни комсомолнинг раҳбар ишларига янада дадил кўтариш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам ҳамда мадад бериб туриш керак.

Зарбдор комсомол қурилишлари деб эълон қилинган ғоят муҳим халқ хўжалик объектлари қурилиши устидан оталиқни бундан буён ҳам ривожлантира бериш комсомол ташкилотларининг вазифасидир. Республика комсомоли асримизнинг энг йирик қурилишлари — Ноқоратупроқ зона, Тюмень ва БАМ қурилишида Ўзбекистон ёшларининг ҳиссасини, уларнинг иштирокини кўпайтириш тўғрисида Леонид Ильич Брежнев берган наказни бажармоқ учун ҳамма ишни қилиши керак.

Партия ишлаб чиққан социал-иқтисодий ўзгартишларнинг улуғвор программасини бажаришда иштирок этиш, энг юқори меҳнат унумдорлиги учун, маблағ ва материалларни тежаб-тергаш учун, маҳсулотнинг юқори сифати учун, профессионал маҳоратни ошириш учун кураш — мана шуларнинг ҳаммасида комсомол ташаббускор ва ёшларнинг ташкилотчиси бўлиши, ижтимоий бурчга коммунистик муносабат намунасини кўрсатиши керак.

Комсомол ташкилотлари Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездидаги ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида берилган кўрсатмаларга амал қилиб, оммавий социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ривожлантириб, такомиллаштиришлари керак. Илғор тажрибани ишчанлик билан ўз вақтида қўллаб-қувватлаб ҳамма жойда оммалаштириш ва жорий этиш, ёш ишчилар ва колхозчиларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарур.

Комсомол ташкилотлари меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор бригада формасини кенг жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратишлари лозим. «Сафимизда биронта ҳам қолоқ бўлмайди» ҳаракатини янада кенг ривожлантириб, уни тобора оммавий ҳаракатга айлантириш керак.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатида жуда актив иштирок этиш — комсомолларнинг бурчидир. Улар кўп миллатли Ватанимизнинг шонли юбилейини зарбдор меҳнат, ташаббускорлик, ватанпарварлик бурчини юксак даражада тушуниш билан кутиб олаётган кишиларнинг сафларида бўлишлари керак.

Азиз дўстлар, ўзларингизга маълумки, улкан пахта учун кураш республика Компартиясининг бош йўлидир. Биз бу жангда ёшларнинг ёрдамига, ташаббускорлиги ва ижодкорлигига таянамиз. Зотан биз аминмизки, комсомоллар, ёш пахтакорлар беш йилликнинг иккинчи йилида Ўзбекистоннинг 6 миллион тонна «оқ олтини»ни олиш учун яна ҳам кўпроқ ғайрат-шижоат, маҳорат ва сабот-матонат кўрсатадилар.

Чорвадорларимиз олдида катта вазифалар турибди. Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида: «Чорвачилик — қишлоқдаги зарбдор фронт», — деган даъватни ўртага ташлади. Биз ана шу даъватга жавобан бу йил гўшт етиштиришни 20 процент, сут етиштиришни 18 процент ва тухум етиштиришни 25 процент кўпайтирамиз, деб партияга ва шахсан Леонид Ильичга маълум қилдик. Беш йиллик мобайнида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни икки баравар оширамиз.

Бу жуда масъулиятли иш бўлиб, ёшлар бу ишда ғоят актив иштирок этадилар, деб ишонамиз. «Чорвачилик ёшларнинг зарбдор иши» ҳаракатини кенг авж олдириш ва қўллаб-қувватлаш, ёшларда чорвачиликка нисбатан ҳурмат, меҳр-муҳаббат руҳини сингдириш керак. Комсомол мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришда янада активроқ иштирок этиши лозим.

Республика ғаллакорларининг зиммасига юксак шараф ва алоҳида масъулият тушади. Улар 2 миллион тонна маккажўхори дони беришлари керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда Тошкентда бўлган вақтида республика комсомолининг маккажўхори етиштириш устидан оталиғини яна бир марта эслатиб ўтди. Биз, комсомоллар бу ишни ўзларининг жонажон ишлари, деб ҳисоблашларига чуқур ишонамиз.

Азиз дўстлар, кўриб турибсизларки, ёшларимиз олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ёшларни коммунистик аҳлоқ руҳида, коммунистик ғоявийлик, социалистик Ватанимизга содиқлик руҳида тарбиялаш ана шу вазифалар муваффақиятли ҳал этилишининг энг яхши гарантиясидир. Совет халқлари улуғ қардошлик оиласига мансублик учун ифтихор туйғуси, юксак гражданлик ва социал масъулият туйғуси, оташин ватанпарварлик ва интернационализм туйғуси ҳар бир йигит ва қизнинг жон-танига сингиб кетиши, ғоявий эътиқод, уларнинг ҳаёт ва хулқ-атвор нормаси бўлиб қолиши керак.

Бизнинг партиямиз ва халқимиз ўз ёшларини ташқи қиёфаси жиҳатидан ҳам, ички мазмуни жиҳатидан ҳам ажойиб, олижаноб ва бахтиёр бўлишини истайдилар. Биз сизларни юксак даражада ғоявий, маънавий бой ва гўзал, маънавий пок ва жисмоний камол топган ҳолда кўришни истаймиз.

Бу соҳада комсомол катта роль ўйнаши керак. Совет турмуш тарзини кенг, ёрқин ва чуқур пропаганда қилиш, ёшларда юксак маънавий иштиёқ ва талаб эҳтиёжларни шакллантириш, уларнинг турмуш маданиятини ошириш, янги социалистик анъаналар ва маросимларни, хулқ-атвор нормаларини кенг жорий этиш лозим.

Комсомол ташкилотлари физкультура ва спортни бундан буён ҳам ривожлантириши зарур. Бу борадаги ютуқларимиз шак-шубҳасиз. Республиканинг кўпгина спортчилари кейинги ёзги олимпиада ўйинларида ва СССР халқларининг қишки спартакиадасида муваффақиятли қатнашдилар. Аммо шу билан қаноатланиб қолиш мумкин эмас. Бизда мамлакатдаги энг яхши материал базалардан бири вужудга келтирилган. Биз ҳам юқори класс спортчиларини камол топтириш имконига эгамиз. Энг асосий вазифа шуки — спорт оммавий бўлиб қолиши керак.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни, уларни меҳнатга ва мудофаага тайёрлашни янада кучайтириш — комсомол ташкилотларининг шонли шараф иши ва муқаддас бурчидир.

Комсомолнинг мактабдаги, хусусан пионер ташкилотига раҳбарлик қилиш борасидаги иши доимо зўр эътибор билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Ёш ленинчилар — пионерлар сизларнинг ўринбосарларингиздир. Педагоглар билан ижодий ҳамдўстликда муносиб гражданларни, Ватанимизнинг чинакам жонкуярларини, интернационалистларни вояга етказиш сизларга ишониб топширилган ва бу ишончни сизлар шараф билан оқлашларингиз керак.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Партия раҳбарлари, партиянинг ёшлар тўғрисидаги ғамхўрлиги комсомол ўзининг барча ишларида эришаётган муваффақиятларнинг энг муҳим шарти, гаровидир. Ленин комсомолининг кучи, шуҳрати, шоншарафи ва ифтихори — Ленин партиясининг раҳбарлигидадир.

Комсомол партиянинг содиқ ва жанговар ёрдамчисигина эмас, шу билан бирга унинг ишончли резерви ҳамдир. Бугунги кунда республика партия ташкилоти сафларига қабул қилинаётган кишиларнинг 72 процентдан кўпроғи комсомоллардандир.

Барча меҳнаткашлар авангарди сафларида бўлиш — бизнинг шижоатли давримиздаги ёшлар учун энг олий шараф ва юксак даражадаги масъулиятдир. Ёшлар ҳам ана шу масъулиятни тўла-тўкис англамоқдалар. Ёшларнинг минглаб етакчилари раҳбар партия органларига сайланишган, совет, касаба союз ва хўжалик ишларига кўтарилган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Эсдаликлар» китобида коммунистик бунёдкорлик ишларида комсомолнинг, барча ёшларимизнинг ролига юксак баҳо бериб қуйидагиларни ёзади: «Революцион курашчиларнинг, дастлабки беш йилликлар бунёдкорларининг, Улуғ Ватан уруши жангчиларининг авлодларига муносиб авлод етишиб чиқаётганлиги фикри бугунги кунда менга ҳузур бағишлайди. Илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган миқёсдаги вазифаларни биз комсомолга, Советлар мамлакатининг ёшларига топшира оламиз... Ёшлар коммунистик эътиқодли, партия ишига, улуғ Ленин ишига беҳад содиқ, Октябрь идеалларига садоқатли бўлиб камол топмоқда». Булар ажойиб сўзлардир. Бу сўзлар сизларга, ёшларнинг ҳозирги авлодига хос фазилатларни — романтик шиддат, бунёдкорлик, сабот-матонат, коммунизм идеаллари учун курашга шайликни чуқур, лўнда ва жуда аниқ очиб кўрсатади.

Республика комсомоллари, йигит ва қизлари партиянинг кекса авлодларининг меҳнат ва жанговар жасоратларига муносиб бўлинг, деган даъватига конкрет, актив меҳнат билан жавоб қайтарадилар, ўзларининг бутун куч ва билимларини, қалбларининг бутун ҳароратини, илҳомбахш меҳнатини, ёшларга хос ғайрат-шижоатини КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга сарфлайдилар, халқларимизнинг катта байрамини — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Съездингизнинг муваффақиятли ишлашини тилашга, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас ғайрат-шижоат, ўқишда ва меҳнатда янги-янги жасорат ва зафарлар, ҳаётда кўпдан-кўп қувонч ҳамда бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг XXII съездига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини топширишга рухсат этгайсиз.

(Ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди).

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. АЛЛАМУРОДОВ доклади

Ўртоқлар!

ВЛКСМ XVIII съезди, республика комсомолининг XXI съездидан кейин орадан тўрт йил ўтди. Бу йилларнинг ҳар бири ғоят муҳим сиёсий аҳамиятга молик воқеаларга бой бўлди. Ленин партиясининг XXVI съезди совет кишилари учун бунёдкорлик ва тинчликнинг илҳомбахш программаси бўлиб қолди. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги, Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 35 йиллиги байрам қилиниши марксизм-ленинизм сўнмас ғоялари тантанасининг намойишига, социализм тарихий ғалабаларининг оламшумул кўригига айланди.

Шу кунларда ҳар биримиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонга ташриф буюрганлиги туфайли вужудга келган алоҳида қувонч туйғуси билан яшаб ишламоқдамиз. Ана шу бекиёс завқ-шавқ республикамизга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин орденини топшириш чоғида зўр куч билан намоён бўлди. Леонид Ильичнинг тантанали мажлисда сўзлаган ёрқин нутқи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбати, Ш. Р. Рашидовга Октябрь революцияси орденини топшириши, республика меҳнаткашлари билан учрашувлари сафарбар қилувчи ғоят катта кучга эга бўлган воқеалар сифатида шонли йилномамизга киради. Комсомол комитетлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномасида ўртага қўйилган вазифаларга амал қилиб ёшларни зарбдор меҳнатга, аъло ўқишга, ўн биринчи беш йиллик улуғвор планларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш борасидаги кенг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни авж олдириб юборишлари керак.

Мамлакат касаба союзлари анжумани белгиланган социал-иқтисодий программани бажариш соҳасида бизнинг муваффақиятли равишда олға ҳаракатимизни бошлаб берган янги босқич бўлди. Съезднинг илҳомбахш ишчанлик руҳи, жонажон партиямиз, азиз Леонид Ильич Брежневнинг доно, сафарбар этувчи сўзлари барча ишларимизнинг дебочасидир.

Ўзбекистон ёшлари партиянинг, партия Марказий Комитетининг давримизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, содиқ ленинчи, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун оташин курашчи, совет ёшларининг меҳрибон ва заковатли мураббийси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, тўла ва батамом маъқулламоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон комсомоли юздан кўпроқ миллат намояндалари бўлган 3 миллион 50 минг йигит ва қиздан иборатдир. ВЛКСМ аъзоларининг ярми бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд. Кейинги йилларда халқ хўжалигининг ҳал қилувчи соҳаларида ва айниқса фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларда: машинасозлик, металлургия, кўмир, газ, химия саноатида комсомолларни жой-жойига қўйишда сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Барча зафарларда ва қўлга киритилган ғалабаларда ёш ташаббускорлар фидокорона меҳнатининг салмоқли улуши борлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги кунда ёш ишчилардан 1,5 миллион киши, комсомол ёшлардан иборат 8 мингдан кўпроқ коллектив «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билимлари, ташаббуси ва ижодиёти — XI беш йилликка!» шиори остидаги ҳаракатда актив иштирок этмоқдалар. Икки мингдан кўпроқ ёш новатор XI беш йилликда 10 йиллик ва ундан ҳам кўпроқ йиллик топшириқ маррасидан ўзиб кетишга аҳд қилдилар.

СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Юз минглаб йигит ва қизлар Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги кунини юқори меҳнат унумдорлиги билан нишонлашга азму қарор беришган. Ҳамиша бўлганидек, комсомолнинг жон-тани — ажойиб ишчи ёшларимиз мусобақа пешқадамидирлар.

Комсомол комитетлари партиянинг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг кўрсатмаларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсияларига амал қилиб, ВЛКСМ аъзоларининг авангардлик ролини оширмоқдалар. Шу нуқтаи назардан қараганда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотининг иш тажрибаси эътиборга сазовордир. Бу ерда ёшлар коллективларининг ярми бригада пудрати методи билан ишламоқда. Меҳнатда иштирок этиш коэффициенти жорий этилганлиги меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини берди, биринчи тақдим этишдаёқ топшириладиган маҳсулот салмоғи кўпайди.

Бригада формалари катта имкониятларга эга эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Бундай формалар ёш ишчиларда меҳнатни пировард натижасидан манфаатдорликни рағбатлантиради, ўз иши учун коллективи олдидаги шахсий масъулиятни кучайтиради. Комсомол комитетлари ёшларнинг коллективларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини ҳамма жойда жорий этишга бундан буён ҳам сабот билан эришишлари керак.

Жонли, ижодий изланиш Ленин номидаги электрон техника, Ўзбекистон металлургия заводлари, «Ўзбекгазпром», «Средазуголь» бирлашмалари, Фарғона тўқимачилик, Каттақўрғон ёғ-мой, Мўйноқ балиқ консерва комбинатлари, Бухоро зардўзлик буюмлари фабрикаси ва бошқа кўпгина корхоналар комсомол комитетларининг фаолиятига хос хусусиятдир. Ана шу корхоналарда ёш ишчилар, мутахассисларнинг кенгашлари, фан-техника ижодиёти штаблари, ишлаб чиқариш резервларини аниқловчи комиссиялар муваффақиятли ишлаб турибди. Йигит ва қизларнинг кўпчилиги комсомол ёшларнинг коллективларига жалб этилган. Одатда улар орасида қолоқлар йўқ, меҳнат унумдорлиги планга нисбатан анча юқори.

Шу билан бирга баъзи комсомол комитетларининг ишида социалистик мусобақани ташкил этиш борасидаги расмиятчиликка ҳали барҳам берилмаганлигини айтиб ўтиш керак. Кўпинча меҳнат мусобақаси баландпарвоз даъватлардангина иборат бўлиб қолади, доимий ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмайди. Натижаларнинг ошкоралиги таққосланиши, энг яхши тажрибани такрорлаш мумкинлиги ҳамиша ҳам таъминланаётгани йўқ. Сўз билан иш ўртасидаги бундай узилиш ёшларни тарбиялашга, уларнинг социалистик мусобақадаги активлигига катта зиён етказади.

Комсомол Марказий Комитетининг бўлимлари, область, шаҳар, район комитетлари тўпланган тажрибадан фойдаланиб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан республика қабул қилган юксак мажбуриятларни бажаришга ёшларни сафарбар этишнинг мавжуд формаларига ижодий ёндошишлари зарур.

Биз катта ўртоқларимиздан — ёшларнинг мураббийларидан кўп ёрдам кутмоқдамиз. Ишчилар синфи ўртасида вужудга келган бу ажойиб ҳаракат муносиб обрў-эътибор қозонди. Биз касаба союзлари билан биргаликда рўйхатда эмас, балки амалда ҳар бир ишчининг мураббийси бўлишига эришишимиз лозим.

Ишлаб чиқаришга маълумот даражаси муттасил ортиб бораётган ёшлар ишга келаётганлигини ҳисобга олиш зарур. Республика комсомол комитетлари фан-техника жамиятлари ҳамда бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти кенгашлари ва правлениелари билан қалин ҳамкорликда ёшларни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда иштирок этишга жалб қилиш соҳасида собитқадам иш олиб бормоқдалар.

«Экономика тежамли бўлиши керак». Комсомол Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Касаба союзлари республика совети, республика халқ контроли комитети, газеталарнинг редакциялари билан биргаликда барча меҳнаткашларга, халқ назоратчиларига, «Комсомол прожектори» активларига, ишчи ва қишлоқ мухбирларига мурожаат қилиб, «Ҳамма жойда ва ҳар ишда тежаб-тергаймиз» ҳаракатига қўшилишга даъват этдилар. Ҳозиргача ўтказилган 120 та оммавий рейд кўпгина ёқилғи, электр энергия, металлни тежаш имконини берди.

Кадрлар қўнимсизлиги экономикага катта зиён етказмоқда. Масалан, республика тўқимачилик корхоналаридан ўтган йил мобайнида ишловчиларнинг бешдан бир қисми бўшаб кетди. Комсомол комитетлари хусусан ишчи ётоқхоналарида истиқомат қилувчи ёшларнинг нормал меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини ташкил этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, меҳнат коллективларида юксак талабчанлик муҳитини вужудга келтиришлари керак.

Капитал қурилишни комсомол оталиқ қиладиган муҳим соҳа деб ҳисоблаймиз. Бу соҳада ВЛКСМ аъзоларидан 100 минг киши меҳнат қилмоқда. Республика комсомолининг XXI съездидан кейин ўн минглаб кўнгиллилар энг муҳим халқ хўжалик объектларига жўнатилди. Студент қурилиш отрядлари 250 миллион сўмлик ҳажмдаги ишларни бажардилар. Ёшлар директив объектларни реконструкция қилиш ва барпо этишга талайгина ҳисса қўшдилар. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёшларни трактор заводига, Тошкент тўқимачилик комбинатига, капролактам ишлаб чиқариш комплексига юбориш топшириқларини ҳар йили бажариб турдик. Республиканинг йигит ва қизлари Ноқоратупроқ зонада ва Тюмендаги конларни ўзлаштиришда, Байкал-Амур магистралида ва Атоммашда зарбдорларча ишламоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда қайд этиб ўтганидек, ёшларнинг асримиздаги энг катта қурилишларни барпо этишда шахсан қатнашиш иштиёқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Бугун биз съезд минбарида туриб партиянинг наказини шараф билан бажарилади, деб азиз Леонид Ильичга ваъда берамиз. Комсомоллар бориб ишлайдиган жойларнинг адреслари ўзгармоқда, қурилишлардаги меҳнат характери ўзгармоқда, аммо аввалгидек, ҳозир ҳам комсомол вакиллари қаерда қийинроқ бўлса ўша ерга бормоқдалар.

Шу билан бирга ёшлардан иборат айрим қурилиш коллективларида кадрларнинг қўнимсизлиги ҳали жуда катта. Злобинча метод суст жорий этилмоқда, моддий ва меҳнат ресурсларини сочиб юборишга йўл қўйилмоқда. Баъзи комсомол комитетлари кўнгиллиларни танлаш борасидаги талаблар қондирилишини таъминламаяпти. Ёшлар учун тегишли меҳнат ва турмуш шароитларини вужудга келтириш соҳасида биз кўраётган чора-тадбирлар етарлича самарали эмас.

Маълумки, ВЛКСМ Марказий Комитети Жиззах ва Қарши чўлларини ўзлаштиришни Бутуниттифоқ қурилиши деб эълон қилган. Аммо шуни дангал айтиш керакки, ҳозирча бу ерда Жиззах ва Қашқадарё область комсомол комитетларининг жонли ташкилотчилик иши сезилмаяпти. Кейинги вақтларда комсомол ташкилотларининг, Бутуниттифоқ қурилишлари штабларининг ташаббуси сусайди.

Мавжуд меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ фойдаланиш зарурлиги тўғрисида айтиб ўтиш керак. Меҳнаткашларнинг саноат ва қурилишга ишга келишларини активлаштириш лозим. Айни ишчи кучларининг етишмаслиги сабабли республиканинг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларидан етарлича фойдаланилмаётганлигига тоқат қилиб туриш мумкинми ахир? Худди мана шу ерда республика комсомоли барча бўғинлари учун кенг иш кўлами мавжуд.

КПСС XXVI съезди совет халқи фаровонлигини янада юксалтириш соҳасида белгилаган программада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муҳим роль ўйнайди. Тошкент область комсомол ташкилотида ВЛКСМ XVIII съездидан кейин 19 минг йигит-қиз енгил саноат ва савдо корхоналарига ишга келди. Область шаҳарлари ва районларида комсомол ёшлардан иборат намунали савдо корхоналари ташкил этилган.

Бироқ ёш савдо ходимлари аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини бузаётган, жўрттага дефицитни вужудга келтираётган кўпгина фактлар учраб туради. Ваҳоланки, бир қанча жойларда комсомол ташкилотлари муросасозлик позициясини эгаллаб, шундай фактларга етарлича баҳо бермаяптилар. Комсомол комитетлари аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги иш тажрибаси ва сифатини оширишга бутун чоралар билан кўмаклашишлари, салбий ҳолларга қарши қатъий курашишлари, ўз касбидан фахрланиш туйғусини ёшларга сингдиришлари зарур.

Қишлоқ хўжалиги комсомолларнинг кучи сафарбар этиладиган ғоят муҳим соҳадир. Бу соҳада ВЛКСМ аъзоларидан 800 минг киши меҳнат қилмоқда. Биз партия аграр сиёсатини амалга оширишда актив қатнашишни ҳамиша ўзимизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири деб билиб келдик ва шундай деб биламиз.

Ерга меҳр-муҳаббат, пахтакорнинг меҳнатига ҳурмат, «оқ олтин» етиштиришга шахсий ҳисса қўшишга интилиш — ёш қишлоқ меҳнаткаши характерининг мана шу фазилатлари ўнинчи беш йиллик мобайнида ва хусусан 1981 йилнинг 6 миллион тонналик ҳосили учун жангда айниқса ёрқин намоён бўлди. Область, район комсомол комитетлари ёш пахтакорларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини кучайтиришлари, меҳнатни ташкил этишни яхшилашда, сермеҳнат жараёнларни механизациялашда уларга доимо ёрдам беришлари зарур.

Пахта етиштиришнинг умумий ҳажмида унинг юқори сортлари улушини кўпайтириш учун кураш республика комсомол ташкилотларининг конкрет иштирок этишини талаб қилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев республикага Ленин ордени топшириш чоғида мазкур проблемани ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади.

Ҳар бир коллектив, бригада илғор Тошкент технологиясини ҳар томонлама ўрганиб олиши ва тезроқ ўзлаштириши колхоз ҳамда совхозлар комсомол комитетларининг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак.

Республика комсомоли партиянинг наказини бажара бориб, кўп йиллардан буён ёшларнинг техника ихтисосларини эгаллаш, барча янги ва илғор нарсаларни жорий этиш учун юришига бошчилик қилмоқда. «Қишлоқда яшайсанми, техникани бил!» шиори аввалгидек ҳозирда ҳам қишлоқдаги барча комсомоллар, ҳамма ёшларнинг жанговар шиори бўлиб қолиши лозим.

Республикада дон экинлари етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Маккажўхоризорни комсомоллар даласи, деб аташ аллақачон анъана бўлиб қолди. Ёш маккажўхорикорлар Леонид Ильичнинг табрикномасини амалий ҳаракатларнинг узоқ муддатли программаси, деб қабул қилиб, «қаҳрабо дон» етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Шу мақсадда экин майдонларини анча кенгайтириш, шу тармоқни ихтисослаштириш ва концентрациялашни давом эттириш, саноат технологиясини жорий этиш керак бўлади. Комсомол комитетлари орттирилган тажрибадан фойдаланиб янги ташкил этилган маккажўхорикорлик совхозларига амалий ёрдам беришлари керак. Даставвал гап ана шу хўжаликларга ёшларни жўнатиш, зарбдор комсомол бригадаларини тузиш ва мазкур хўжаликлар бошланғич ташкилотларининг жанговарлигини ошириш тўғрисида бормоқда. Биз қишлоқ хўжалик органлари билан биргаликда маккажўхори етиштиришни сабот билан кўпайтириб боришимизга тўғри келади.

«Чорвачилик — ёшларнинг зарбдор фронти» ҳаракати республикада тобора амалий ва таъсирчан бўлиб қолмоқда. Кейинги тўрт йил ичида шу тармоқда ишлаётган комсомоллар сони 20 минг нафар кўпайди. Кўпгина янги ташаббуслар ва яхши ишлар юзага келди. Масалан, Томди районидаги «Жана Шаруа» совхозининг ёшлари қўзиларни парвариш қилишга оид ишларнинг ҳаммасини ўз зиммаларига олдилар. Хоразм областида ем-хашак етиштирувчи зарбдор отрядлар тузиш тажрибаси кенг оммалашди.

Область, район комсомол комитетлари чорвадор касбининг обрў-эътиборини бутун чоралар билан оширишлари, илғорлар тажрибасини оммалаштиришлари, йириклаштирилган қўйчилик бригадаларида, паррандачилик ва балиқчиликда комсомол ёшлар коллективларини тузишлари, қуёнчиликни ривожлантиришга ёшларни кенгроқ жалб этишлари зарур.

Ҳозирги шароитда сиёсий-тарбиявий ишларнинг барча формаларини ўз вақтида қайта қуриш ва унинг таъсирчанлигини ошириш аҳамияти бекиёс даражада ортади. Комсомол Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комитетлари шу вазифани ҳал эта бориб, даставвал КПСС XXVI съезди йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорининг қоидалари ва хулосаларига асосландилар.

Партия органлари, кўпдан-кўп идеологик кадрлар отряди бизга катта ёрдам бермоқдалар. Ягона сиёсий кунлар мунтазам ўтказиб турилибди, кўргазмали агитация яхшиланди, «Комсомолец Узбекистана» агитация поезди оммавий-сиёсий ишнинг самарали воситаларидан бири бўлиб қолди. Ёшлар ҳамда болаларга мўлжалланган газета ва журналларнинг бир йўла чиқадиган нусхаси кўпайиб, 2,5 миллионтага етди. «Ёш гвардия» нашриёти ҳар йили 6 миллионта китоб босиб чиқармоқда. Ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий «Ёшлик» журнали ташкил этилди.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «Эсдаликлар» китоблари бугунги кунда қаҳрамон кекса авлодларнинг эстафетасини қабул қилиб олаётган кишилар учун оталарча насиҳат бўлиб қолди. Бу китоблар миллионлаб кишиларга мўлжаллангандир. Аммо ҳар бир киши уларда ўз ҳаёти билан, ўзининг энг эзгу фикр-ўйлари ва орзу-умидлари билан ҳамоҳанг бўлган нарсаларни қидириб топади.

КПСС XXVI съездининг ҳужжатлари ва материалларини ўрганишда комсомол сиёсий ҳамда иқтисодий таълими сиёсий мактаблари билан семинарлари йигит ва қизларга актив ёрдам бермоқда. Машғулотларни ўтказиш учун яхши шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда, сиёсий ўқишнинг база кабинетлари ишлаб турибди.

Аммо ҳали кўпинча мактаблар ва семинарлардаги машғулотлар зерикарли ўтиб, фақат ахборот беришдангина иборат бўлиб қолмоқда. Машғулотлар савиясини ошириш, тингловчиларнинг қизиқишини сусайтирувчи зерикарли, қуруқ, сийқа гап — сўзлардан иборат машғулотларга қатъиян барҳам бериш зарур. Комсомол сиёсий ўқувининг мактаблари ва семинарлари жонли сиёсий фикр ва сўзнинг маркази, ёшларнинг ғоявий-назарий билимларини тўлдиришда улар учун жозиба кучи бўлиб қолиши керак.

Бутуниттифоқ ленинча сабоғи янада ривожлантирилди. У амалда коммунистик тарбия бутун комплекс системасининг ғоят муҳим қисми бўлиб келди, ёшларнинг меҳнат ғайратлари ва сиёсий активлигини оширишга, уларнинг партия топшириқларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги интилишига кўмаклашмоқда. Уни ташкил этишни бундан буён ҳам такомиллаштириш, жамоат аттестациясининг аҳамиятини кучайтириш керак. Пропагандадан ишни ташкил этиш чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилишига эришиш лозим.

Оғамиз — улуғ рус халқи бошчилигидаги СССР халқлари бузилмас дўстлигини ниҳоятда муқаддас билиб мустаҳкамлашимиз ва асрашимиз керак. Ёшларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш соҳасида комсомол комитетларининг ишини бундан буён ҳам такомиллаштириш, миллий маҳдудликнинг заррача кўринишларига қарши қатъий курашиш зарур.

Ватанга чексиз садоқатимизни ҳеч ким бўшаштира олмайди, деб комсомол съезди минбаридан катта ўртоқларимиз — коммунистларга тантанали ваъда берамиз. Ленин партияси ўғил-қизларини меҳрибон онадек тарбиялаб ўстирмоқда. Ўзбекистон ёшлари Ватанга қизғин меҳр-муҳаббатини, Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя этишга шайлигини зарбдор меҳнатининг ҳар бир соати билан, ҳаётининг ҳар бир куни билан тасдиқламоқда.

Кейинги вақтларда комсомол ташкилотларининг ҳарбий ватанпарварлик иши мазмунан бой, шаклан хилма-хил бўлиб қолди. Комсомол ва ёшларнинг совет халқи революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб Бутуниттифоқ юриши, «Улуғ Ватан урушининг йилномаси» деган қидирув экспедицияси бунга энг ёрқин мисоллар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Наманган ва Фарғона комсомоллари шу ишларни ўтказишда кўп тажриба орттирдилар. Бу тажрибалар Бутуниттифоқ юриши марказий штабининг мажлисида маъқулланди.

Комсомол комитетлари ёшларни ҳарбий-техника тайёргарлигига, ёшларда мардлик, ирода, қатъиятлилик хислатларини тарбиялашга жиддий эътибор беришлари керак. Техника клублари ва тўгаракларини кенгайтириш, ҳарбий комиссариатлар ва ДОСААФ ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ёш авлод соғлом, жисмоний чиниқиб ўсиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон спортчилари Бутуниттифоқ ва жаҳон майдонларида ўз қобилиятларини тез-тез намоён этиб турибдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спорт оммавийлигини янада юксалтириш тўғрисида» қабул қилган қарори ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларига зўр эътибор берилаётганлигининг яна бир далили бўлди.

Бугунги кунда мазмунли дам олишни ташкил этмай, ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантириб бўлмайди. Ажойиб маданият саройлари ва уйлари, музейлар ва кутубхоналар йигит-қизларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Республика Советининг актив самарали фаолияти туфайли қишлоқда турмуш маданиятини яхшилаш борасида анчагина ишлар қилинди. Умуман бу ишлар узвий камол топган шахсни тарбиялаб етиштиришга ёрдам бермоқда.

Янги инсонни шакллантириш жараёни ғоясизлик ва бепарволикка ҳамда буларнинг муқаррар йўлдоши бўлмиш ичкиликбозлик ва безориликка муросасиз муносабатда бўлишни тақозо этади. Биз худбинлик, юлғичлик, текинхўрлик, порахўрлик, ўғрилик каби жамоатчиликка қарши ҳаракат фактларига нисбатан курашни кенгайтиришимиз керак. Бу курашни эҳтирос билан, муросасиз ва шафқатсиз олиб боришимиз лозим. Ёшларни атеистик руҳда тарбиялаш аҳволи ҳам сифат жиҳатидан яхшиланишини талаб этади.

Ҳисобот даврида мактаб билан комсомолнинг алоқаси янада мустаҳкамланди. Комсомол таълими сифатини оширишда, болалар ва ўсмирларнинг меҳнат ва ахлоқ тарбиясида педагогика коллективларининг актив кўмакчиси бўлмоқда. Комсомол комитетлари ўзлаштирмаслик сабабларини чуқурроқ анализ қилиб қолоқларга амалий ёрдам беришлари зарур.

Ўтган йиллар ўқиш жараёнини меҳнат тарбияси билан боғлаш зарурлигини яққол кўрсатди. Республикада ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ва мактаблараро комбинатларининг тармоқлари барпо этилди. Ҳар йили меҳнат бирлашмалари составида 900 минг ўқувчи ажойиб ғоявий, маънавий ва меҳнатда чиниқиш мактабидан ўтмоқда.

Шу билан бирга ёшларнинг муайян қисми ҳаётга ўз йўлини тополмай қадам қўймоқда. Ҳозирча битириб чиқувчиларнинг ҳар бешгасидан биттасигина мактабда орттирган ишлаб чиқариш таълими профилига мувофиқ иш танлаяпти. Шу муносабат билан комсомол меҳнат борасида ўтказадиган ҳар бир ҳаракат болаларнинг кўз ўнгида ижтимоий аҳамият касб этмоғи ғоят муҳимдир. Комсомол комитетлари, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигининг раҳбарлари ёзги меҳнат чорагини ташкил этаётиб, унинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида биринчи навбатда ғамхўрлик қилишлари лозим.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг 60-йиллиги бу йилги шонли воқеалар сирасида муносиб ўрин эгаллайди. Республикада меҳнат беш йиллиги муваффақият билан ўтмоқда, пионер отрядларининг ҳар учтадан биттаси пешқадамдир. Ишлаб чиқарувчи вожатийлар отряди анча кўпайди. Айни маҳалда илғор ёшларнинг мактабларга оммавий юриш қилиш ватанпарварлик ташаббусини, комсомол педагогик отрядларининг ҳаракатини янада юксак поғонага кўтармоқ зарур.

Область, шаҳар ва район комсомол комитетлари пионервожатийларининг ишини такомиллаштиришлари, уларнинг сифат состави ва профессионал тайёрлигини яхшилашлари керак. Биз иккиюзта пионер уйларининг ҳар бири методик ва ташкилий иш маркази бўлиб қолмоғи керак деб ҳисоблаймиз.

Ҳисобот даврида профессионал техник таълим системасида катта сифат ўзгаришлари рўй берди. Республикада 215 та янги билим юрти очилди. Шу беш йилликда яна икки юзта билим юрти очилади, ўқувчилар сони анча кўпаяди. Шу муносабат билан биз ҳунар-техника билим юртлари ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш борасида кўпроқ ташаббус кўрсатишимиз, комсомолнинг оталиғини кучайтиришимиз, ҳунар танлаш иши таъсирчанлигини оширишимиз лозим.

Республиканинг олий ва махсус ўрта мактабларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Комсомол комитетлари ўқув-тарбия, ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий иш бирлигига, тайёрлаш сифатини оширишга матонат билан эришиб борди, студентларга мустақил мутахассисларнинг мустақил ишлаш малакаларини маҳорат билан ўргатиб бормоқда. Аммо студентларни ғоявий-сиёсий, эстетик, маънавий тарбиялашда ҳали камчиликлар бор. Айрим йигит-қизлар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини дуруст таҳлил эта билмайдилар, меҳнат ва ўқув интизоми, социалистик турмуш қоидаларининг бузилишига йўл қўймоқдалар. Баъзи комсомол ташкилотлари ўқиш сифатини ошириш, студентларни маънавий тарбиялаш масалалари билан ноконкрет ва оз шуғулланяпти. Биз орттирилган интеллектуал имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланишимиз лозим. Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб чиқувчилар билан айниқса ташвишли аҳвол вужудга келди. Шуларнинг атиги ярмигина колхоз ва совхозларда ишламоқда. Айни пайтда, қишлоқдаги ҳар ўн агрономдан бири, инженерлар, техниклар, механикларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи махсус таълим олмаган. Республиканинг комсомол комитетлари шу масала билан жиддий шуғулланмоғи лозим.

Республиканинг ёш олимлари партия режаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар ўтган йилнинг ўзидагина 125 авторлик гувоҳномаларини олдилар. Лекин афсуски ёш тадқиқотчилар орасида илм-фанга истеъмолчилик руҳи билан қарайдиган кишилар ҳам бор. Комсомол комитетлари илмий ёшларнинг пахтачиликни ривожлантириш тармоқ комплекс программаларини амалга ошириш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, порошокли металлургияни кенг кўламда қўллаш, ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан такомиллаштириш ва интенсивлаш туб проблемаларини ҳал этиш борасидаги фаолиятларини активлаштиришлари лозим.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг мураккаб ва масъулиятли вазифаларини ҳал этиш комсомолнинг бутун фаолиятини яхшилашни, унинг сафлари жипслигини кучайтиришни, кадрлар ва активлар ленинча иш услубини эгаллашини тақозо этди. Ҳисобот даврида бюро ва секретариатнинг мажлислари мунтазам равишда ўтказилиб турилди. Перспектив комплекс планлаштириш практикаси такомиллаштирилди.

Бугунги кунда кўпгина комсомол ташкилотлари учун сўз билан ишнинг, ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятнинг бирлиги хосдир. Қабул қилинадиган қарорларнинг ижроси устидан контроль, танқидий мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан иш олиб бориш, комсомол иш юритиши анча яхшиланди. Тўрт йил ичида комсомол Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комитетларида 15 мингтага яқин хат кўриб чиқилди, иш билан келган 72 минг киши қабул қилинди.

Ишимизнинг самарадорлиги аввало қуйи комсомол бўғинларининг жанговарлик даражаси билан белгиланади. Республикада 26 мингта бошланғич, 95 мингта цех ташкилоти, 10 мингта комсомол группаси тузилди.

Шаҳар ва район комсомол комитетлари муҳим роль ўйнайди.

Бу ерларда ёш инсонга комсомол билети, зарбдор қурилишга йўлланма топширилади, бу ерда у энг азиз йўлланма — партия сафига тавсиянома олади. Комсомол ташкилотларининг Бутуниттифоқ кўриги уларнинг иши кўп жиҳатдан яхшиланишига ёрдам беради. Бултур шу кўрик доирасида илк бор республика кўриги бошланди, кўчма Қизил байроқлар таъсис этилди.

Бугунги кунда ўртоқ Л. И. Брежнев айтган қуйидаги сўзларни яна бир карра эслатиб ўтишни хоҳлардим: ҳар бир комсомол комитетининг фаолиятини «ҳужжатларнинг сони, мажлисларнинг сони ва давомийлиги эмас, балки аниқ сиёсий йўналиш, ишчанлик, амалий натижалар» белгилаб бермоғи керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон комсомолида профессионал мўътабар, юксак ташкилотчилик ва маънавий сифатларга эга бўлган ходимлар катта отряди бор. Область, шаҳар ва район комсомол комитетларининг ҳар икки секретаридан бири халқ хўжалиги мутахассисидир. Комсомол йўлбошчиларининг катта кўпчилиги меҳнат коллективлари мактабидан ўтган бўлиб, турмушда яхши чиниққан.

Бизда хотин-қизлар ёшларни актив жамоатчилик ишига жалб қилишда ҳам катта-катта резервлар борлигини айтиб ўтиш лозим. Раҳбар комсомол органларини хотин-қизларнинг энг истеъдодли вакиллари билан тўлдириш комсомол ташкилотлари жанговарлигини оширишга шубҳасиз ёрдам беради.

Республикада кейинги ҳисобот-сайлов кампанияси партия съездлари қарорларини бажариш белгиси остида ўтди. Йиғилишлар ва конференциялардаги гаплар орттирилган тажрибаларни батафсил муҳокама қилишга айланиб кетди, камчилик ва нуқсонлар ишчанлик билан қаттиқ ва ўз-ўзини танқид асосида қараб чиқилди. Комсомоллар кўпгина таклифлар айтдилар. Ҳамма мулоҳазаларни таҳлил этиш, жорий ва перспектив планларда уларни назарда тутиш, уларни амалга оширишни эса қаттиқ контрол қилиш ғоят муҳимдир.

Комсомол комитетлари комсомол ташкилотлари сафларини ўстириш ва уларнинг сифат составини яхшилаш масалаларига доимо ғамхўрлик қилиб келдилар. Ҳисобот даврида 1 миллион 850 минг йигит-қиз комсомолга кирди. Шуларнинг чорак миллиони — ишчи ёшлардир.

ВЛКСМ аъзоларининг учети такомиллаштирилмоқда. Комсомолларни халқ хўжалигининг ҳал этувчи участкаларига жойлаштириш яхшиланди. Бу эса республиканинг иқтисодий ва социал тараққиётига ёшларнинг қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга имкон берди.

Партия сафларини кўпроқ комсомол ҳисобидан тўлдириб бориш тенденцияси муқаррар тус олганлиги Ўзбекистон Компартияси XX съездида айтиб ўтилди. Партияга кирувчилар орасида ВЛКСМ аъзолари 72 процентни ташкил этади. Биз ВЛКСМ аъзоларини партияга киришга тавсия этиш учун комсомол комитетларининг масъулиятини бундан буён ҳам ошириб бораверишимиз керак.

Олдимизда — коммунистик жамият қуриш йўлидаги янги беш йиллик турибди. Шу йилларда барча совет халқининг ижодкорлик, бунёдкорлик фаолияти Ленин партиясининг улуғвор режаларини амалга оширишга қаратилган. Комсомол Лениннинг «Коммунизм қуришда партияга ёрдам берайлик» деган васиятини бажаришни ўз фаолиятининг олий мақсади деб билади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика комсомол ташкилотларининг ёшларга КПСС XXVI съезди талаблари асосида меҳнат, маънавий ва ғоявий-сиёсий тарбия бериш ишига диққат-эътибор билан қараётганлиги республика комсомоли барча отрядларининг фаолиятида бениҳоят муҳим аҳамият касб этади. Эришилган муваффақиятларга танқидий баҳо бериш, партия органларининг амалий маслаҳатлари ва тавсиялари Ўзбекистон жамики ёш авлоди учун ғоявий қанот ва ижодий илҳом манбаи, узоқ келажакка мўлжалланган жанговар ҳаракат программаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети қалб саховати ва самимияти учун, ёшларнинг ишлари ва ҳаётига кундалик ва чуқур партиявий диққат-эътиборлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Марказий Комитет бюросига, шахсан ўртоқ Ш. Р. Рашидовга самимий миннатдорчиликлари ва фарзандлик ташаккурларини изҳор этади.

Лениннинг ўлмас васиятларига содиқ Ўзбекистон ёшлари ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизда бўлган чоғида берган ҳамма йўл-йўриқлар ва тавсияларни шараф билан бажаришга маҳкам бел боғлаган деб республиканинг комсомоллари, барча йигит-қизлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ВЛКСМ Марказий Комитетига ваъда бераман. Ўзбекистон ёшлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан ўз ҳаётидаги ҳар бир куни билан порлоқ коммунистик идеалларни қарор топтириб, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бажариш учун сабот-матонат ва илҳом билан курашаверади.

Ленин ишининг тантанаси учун, коммунизм ишининг тантанаси учун куч-қувватларимизни, керак бўлса ҳаётимизни ҳам аямаймиз деб қасамёд қиламиз!

Яшасин Совет жамиятининг раҳбар ва йўналтирувчи кучи — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

Яшасин коммунизм! (**Қарсаклар**).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида» Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ;

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари ташкил этилсин:

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

1-сайлов округи. Маркази: молия техникуми, Г—9А квартали.
Чегараси: Г—9А квартали, 1, 2, 3, 4, 4-«а», 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14-уйлар.

2-сайлов округи. Маркази: молия техникуми, Г—9А квартали.
Чегараси: Г—9А квартали, 15, 16, 17, 18, 18-«а», 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25-уйлар, чет тиллар институти ва молия техникуми ётоқхоналари.

3-сайлов округи. Маркази: У. Юсупов номли маданият уйи, 11-квартал, 57-уй.
Чегараси: 11-квартал, 2, 3, 4, 5, 49-«а», 50, 50-«а», 51, 52, 53, 56, 57, 59, 60, 61, 62, 63-уйлар.

4-сайлов округи. Маркази: 74-мактаб, 11-квартал, 65-уй.
Чегараси: 11-квартал, 1-«а», 1-«б», 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 23, 24, 28, 29-уйлар, метрополитеннинг 16, 22-ётоқхоналарини қўшган ҳолда.

5-сайлов округи. Маркази: Ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 11-квартал.
Чегараси: 11-квартал, 31, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 46, 47, 48, 49-уйлар.

6-сайлов округи. Маркази: 189-мактаб, 12-квартал.
Чегараси: 12-квартал, 1, 1-«а», 2, 2-«а», 3, 3-«а», 4, 4-«а», 5, 6, 6-«а», 8, 9, 11, 12-уйлар.

7-сайлов округи. Маркази: 189-мактаб, 12-квартал.
Чегараси: 12-квартал, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22-уйлар.

8-сайлов округи. Маркази: 77-мактаб, 12-квартал.
Чегараси: 12-квартал, 7, 7-«а», 23, 24, 25, 26, 27, 32, 33, 34, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43-уйлар.

9-сайлов округи. Маркази: 77-мактаб, 12-квартал.
Чегараси: 12-квартал, 44, 45, 47, 48, 50, 51, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64-уйлар.

10-сайлов округи. Маркази: уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация ишлаб чиқариш трести, В—13 квартал, 41-уй.
Чегараси: 13-квартал, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-уйлар.

11-сайлов округи. Маркази: уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести, В—13 квартали, 41-уй.
Чегараси: 13-квартал, 13, 14, 15, 16, 16-«а», 17, 18, 19, 22, 23, 24, 25, 26-уйлар.

12-сайлов округи. Маркази: 62-мактаб, 14-квартал.
Чегараси: 14-квартал, 1, 1-«а», 2, 2-«а», 3, 3-«а», 4, 4-«а», 5, 5-«а», 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13-уйлар.

13-сайлов округи. Маркази: 62-мактаб, 14-квартал.
Чегараси: 13-квартал, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44-уйлар, 15-квартал, 39-«а», 39-«б», 39-«в» уйлар.

14-сайлов округи. Маркази: Савдо билим юрти, 14-квартал.
Чегараси: 14-квартал, 6-«а», 7-«а», 8-«а», 9-«а», 10-«а», 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31-уйлар ва Боғистон кўчасидаги якка тартибда қурилган уйлар, шунингдек савдо билим юрти ётоқхонаси ҳамда тез медицина ёрдами кўрсатиш клиник касалхонасини қўшган ҳолда.

15-сайлов округи. Маркази: 228-мактаб, 15-квартал.
Чегараси: 15 А квартали, 1, 2, 3, 4, 5, 7-«а», 8, 8-«а», 9, 9-«а», 10, 16, 17-уйлар, Бекобод кўчасидаги якка тартибда қурилган уйларни қўшган ҳолда.

16-сайлов округи. Маркази: 228-мактаб, 15-квартал.
Чегараси: В—15 квартали, 21, 22, 23, 23-«а», 24, 25, 26, 27, 28-«а», 28-«б», 28-«в», 28-«г» уйлар ҳамда республика телевидениеси ва радиоси давлат комитети махсус автобазасидан бошлаб якка тартибда қурилган уйлар, Турсунқулов кўчасидан бўйлаб то Фарҳод кўчасигача.

17-сайлов округи. Маркази: 238-мактаб, 21-квартал.
Чегараси: 21-квартал, 2, 3, 4, 4-«а», 5, 5-«а», 9, 10, 11, 12-уйлар.

18- сайлов округи. Маркази: 238-мактаб, 21-квартал.
Чегараси: 21-квартал, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 29, 30, 31, 32-уйлар.

19-сайлов округи. Маркази: профдезинфекция бўлими биноси, Ҳ. Турсунқулов кўчаси.
Чегараси: 21-квартал, 1, 1-«а», 2-«а», 3-«а», 6, 7, 8, 13, 14, 15, 16, 17, 28-уйлар.

20-сайлов округи. Маркази: музика мактаб-интернати, 22-квартал.
Чегараси :22-квартал, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 10-«а», 11, 11-«а», 12, 12-«а», 13-уйлар, трамвай-троллейбус бошқармаси бараклари ҳамда Қурилиш кўчаси ва Қурилиш проездларидаги якка тартибда қурилган уйларни қўшган ҳолда.

21-сайлов округи. Маркази: музика мактаб-интернати, 22-квартал.
Чегараси: 22-квартал, 13-«а», 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31-уйлар.

22-сайлов округи. Маркази: 229-мактаб, 23-квартал.
Чегараси: 23-квартал, 1, 2, 3, 4, 9, 10, 13, 16-уйлар.

23-сайлов округи. Маркази: 229-мактаб, 23-квартал.
Чегараси: 23-квартал, 18, 19, 20, 21, 22, 52, 53, 54, 55, 68, 69-уйлар.

24-сайлов округи. Маркази: 44-мактаб, 23-квартал.
Чегараси :23-квартал, 5, 6, 11, 12, 15, 17, 23, 24, 25-уйлар.

25-сайлов округи. Маркази: 44-мактаб. 23-квартал.
Чегараси :23-квартал, 26, 27, 28, 29, 40, 43, 44, 46, 49, 58-уйлар.

26-сайлов округи. Маркази: 30-поликлиника, 23-квартал.
Чегараси: 23-квартал, 7, 8, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37-уйлар.

27-сайлов округи. Маркази: 30-поликлиника, 23-квартал.
Чегараси: 23-квартал. 14, 38, 39, 41, 42, 50, 51, 56, 57, 59-уйлар.

28-сайлов округи. Маркази: 199-мактаб, 24-квартал.
Чегараси: 24-квартал, 2, 3, 4, 5, 8, 9, 10, 11, 13, 14, 15-уйлар.

29-сайлов округи. Маркази: 199-мактаб, 24-квартал.
Чегараси: 24-квартал, 16, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 30, 50, 52, 53-уйлар.

30-сайлов округи. Маркази: 78-мактаб. 24-квартал.
Чегараси: 24-квартал. 1, 26, 27, 28, 29, 31, 32, 33, 34, 35, 36-уйлар.

31-сайлов округи. Маркази: 78-мактаб, 24-квартал,
Чегараси: 24-квартал, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 48, 49-уйлар.

32-сайлов округи. Маркази. 194-мактаб 25-квартал.
Чегараси: 25-квартал, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-уйлар.

32-сайлов округи. Маркази: 194-мактаб. 25-квартал.
Чегараси: 25-квартал, 1-«а», 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22-уйлар.

34-сайлов округи. Маркази: 63-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти; 26-квартал.
Чегараси: 26-квартал, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-уйлар, трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 9 қаватли уйни қўшган ҳолда.

35-сайлов округи. Маркази: 63-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти, 26-квартал.
Чегараси: 26-квартал, 9, 10, 10-«а», 11, 12, 13 ,14, 15, 16, 17-уйлар.

36-сайлов округи. Маркази: 107-мактаб, 26-квартал.
Чегараси: 26-квартал, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26-уйлар.

37-сайлов округи. Маркази: 107-мактаб, 26-квартал.
Чегараси: 26-квартал, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35-уйлар.

38-сайлов округи. Маркази: 203-мактаб, «Қизил Шарқ» маҳалласи.
Чегараси: «Қизил Шарқ» маҳалласи.

39-сайлов округи. Маркази: 81-мактаб, Б. Носиров кўчаси.
Чегараси: Уйғур кўчасидан Улуғбек кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Бўзсув каналигача, Бўзсув канали бўйлаб Мусобақа кўчасигача, Мусобақа кўчаси бўйлаб Б. Носиров кўчасигача, Б. Носиров кўчаси бўйлаб Решетов кўчасигача, Решетов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Улуғбек кўчасигача, 5-болалар юқумли касалликлар касалхонасини қўшган ҳолда.

40-сайлов округи. Маркази: рус тили ва адабиёти институти, Решетов кўчаси, 3-уй.
Чегараси: республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг ётоқхонаси, микробиология ва эпидемиология илмий-тадқиқот институти касалхонаси, Решетов кўчаси бўйлаб 5-уйни қўшган ҳолда.

41-сайлов округи. Маркази: 245-мактаб, Жамшид кўчаси.
Чегараси: Уйғур кўчасидан Оқтепа проезди бўйлаб (жуфт томон) Космосная кўчасигача, Космосная кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Жамшид кўчасигача, Жамшид кўчаси бўйлаб (жуфт томон) давом этиб, Н. Ғаниев кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Дилноз кўчасигача. Дилноз кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Оқтепа проездигача.

42-сайлов округи. Маркази: 245-мактаб, Жамшид кўчаси.
Чегараси: Жамшид кўчасидан Космосная кўчаси бўйлаб Али Қўшчи кўчасигача. Али Қўшчи кўчаси бўйлаб 5-болалар юқумли касалликлар касалхонасигача, 5-болалар юқумли касалликлар касалхонаси чегарасидан Бўзсув каналигача, Бўзсув канали соҳили бўйлаб гулчилик-парник хўжалигигача, гулчилик-парник хўжалиги чегараси бўйлаб Қашғарий кўчасигача, Қашғарий кўчаси бўйлаб Закария Розий кўчасигача, Закария Розий кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Закария Розий кўчасининг 1-проездигача, Закария Розий кўчаси 1-проезди бўйлаб Фақирий кўчасигача, Фақирий кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Дилноз кўчасигача, Дилноз кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Н. Ғаниев кўчасигача, Н. Ғаниев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) давом этиб Жамшид кўчаси бўйлаб Космосная кўчасигача.

43-сайлов округи. Маркази: 193-мактаб, Саккокий кўчаси.
Чегараси: Маҳорат кўчасидан Журжоний кўчаси бўйлаб Бўзсув каналигача, Бўзсув канали соҳили бўйлаб Мирхонд 1-проездигача, Мирхонд 1-проезди бўйлаб (жуфт томон) Мирхонд кўчасигача, Мирхонд кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Мирхонд 3-проездигача, Мирхонд 3-проезди бўйлаб (жуфт томон) Маҳорат кўчасигача, Маҳорат кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Журжоний кўчасигача.

44-сайлов округи. Маркази: 193-мактаб, Саккокий кўчаси.
Чегараси: Маҳорат кўчасидан Мирхонд 3-проезди бўйлаб (тоқ томон) Мирхонд кўчасигача, Мирхонд кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Мирхонд 1-проездигача, Мирхонд 1-проезди бўйлаб Бўзсув каналигача, Бўзсув канали бўйлаб Саккокий 2-проездигача, Саккокий 2-проезди бўйлаб (жуфт томон) Муаззамхон кўчасигача, Муаззамхон кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Саккокий 1-проездигача, Саккокий 1-проезди бўйлаб (жуфт томон) Ҳ. Абдуллаев 1-проездигача, Ҳ. Абдуллаев 1-проезди бўйлаб Ҳ. Абдуллаев кўчасигача, Ҳ. Абдуллаев кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Мирхонд 5-проездигача, Мирхонд 5-проезди бўйлаб (жуфт томон) Маҳорат кўчасигача, Маҳорат кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Мирхонд 3-проездигача.

45-сайлов округи. Маркази: Журжоний номидаги маҳалла комитетининг идораси.
Чегараси: Фақирий кўчасидан Журжоний кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ю. Саккокий кўчасигача, Саккокий кўчаси бўйлаб Қашғарий кўчасигача, Қашғарий кўчаси бўйлаб Закария Розий кўчасигача, Закария Розий кўчаси бўйлаб Закария Розий 1-проездигача, Закария Розий 1-проезди бўйлаб Фақирий кўчасигача, Фақирий кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Журжоний кўчасигача.

46-сайлов округи. Маркази. 197-мактаб, Кўркам 2-проезди.
Чегараси: Маҳорат кўчасидан Назарбек кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Шароф кўчасигача, Шароф кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Шароф 2-проездигача, Шароф 2-проезди бўйлаб Муаззамхон кўчасигача, Муаззамхон кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ю. Саккокий 1-проездигача, Ю. Саккокий 1-проезди бўйлаб (тоқ томон) Ҳ. Абдуллаев 1-проездигача, Ҳ. Абдуллаев 1-проезди бўйлаб Ҳ. Абдуллаев кўчасигача, Ҳ. Абдуллаев кўчаси бўйлаб Мирхонд 5-проездигача, Мирхонд 5-проезди бўйлаб (тоқ томон) Маҳорат кўчасигача, Маҳорат кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Назарбек кўчасигача.

47-сайлов округи. Маркази: А. Қаҳҳор номли маданият уйи, Уйғур кўчаси.
Чегараси: Қурувчи кўчасидан (жуфт томон) Тўқимачи кўчасигача, Тўқимачи кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Шароф кўчасигача, Шароф кўчаси бўйлаб Ҳайратий 4-проездигача (жуфт томон), Ҳайратий 4-проезди бўйлаб Уйғур кўчасигача, Қурувчи 4-проезди бўйлаб (тоқ томон) Қурувчи 7-проездигача, Қурувчи 7-проезди бўйлаб Қурувчи кўчасигача.

48-сайлов округи. Маркази: 18-автопарк.
Чегараси: Уйғур кўчасидан Раҳимбобоев кўчаси бўйлаб (1-дан 10-гача бўлган кўп қаватли уйларни қўшган ҳолда) Раҳимбобоев проездигача, Раҳимбобоев проезди бўйлаб Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб Нашриёт кўчасигача Нашриёт кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Уйғур кўчасигача.

49-сайлов округи. Маркази: 123-мактаб, Уйғур кўчаси.
Чегараси: Атоий кўчасидан Ильич 4-проездигача, Ильич 4-проезди бўйлаб (тоқ томон) Нашриёт кўчасигача, Нашриёт кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб Раҳимбобоев кўчасигача (тоқ томон), Раҳимбобоев кўчаси бўйлаб Шароф кўчасигача. Шароф кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Тўқимачи кўчасигача, Тўқимачи кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Атоий кўчасигача.

50-сайлов округи. Маркази: 116-мактаб, Зиё Саид кўчаси.
Чегараси: Ермуҳамедов кўчасидан Хондамир 2-проездигача (тоқ томон), Ибрат кўчасидан (тоқ томон) Ильич кўчасигача, Ильич кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Усмон Носир кўчасигача, Усмон Носир кўчаси бўйлаб Нашриёт кўчасигача, Нашриёт кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ильич 4-проездигача, Ильич 4-проезди бўйлаб (жуфт томон) Тўқимачи кўчасигача, Тўқимачи кўчаси бўйлаб Ибрат кўчасигача, Ибрат кўчаси бўйлаб Зиё Саид кўчасигача, Зиё Саид кўчаси бўйлаб Ермуҳамедов кўчасигача.

51-сайлов округи. Маркази: 129-мактаб, Назарбек кўчаси.
Чегараси: Ибрат кўчасидан Қурувчи 7-проездигача, Қурувчи 7-проезди бўйлаб (жуфт томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб Ҳайратий 4-проездигача (тоқ томон), Ҳайратий 4-проезди бўйлаб Шароф кўчасигача (жуфт томон), Назарбек кўчасидан Фақирий кўчаси бурчагидан Дилноз кўчасигача (тоқ томон), Дилноз кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб Шифокор кўчасигача (жуфт томон), Шифокор кўчаси бўйлаб Қурувчи кўчасигача.

52-сайлов округи. Маркази: 106-мактаб, Ғафуров кўчаси, 4-проезд.
Чегараси: Ҳ. Ғафуров кўчасидан Генерал Узоқов кўчаси бўйлаб Байрам кўчасигача, Байрам кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ҳужум кўчасигача, Ҳужум кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Сулаймонхўжа кўчасигача ,Сулаймонхўжа кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Дадил кўчасигача, Дадил кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Зиё Саид кўчасигача, Зиё Саид кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ҳамкор кўчасигача, Ҳамкор кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Бекобод кўчасигача, Бекобод кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ҳ. Ғафуров кўчасигача, Ҳ. Ғафуров кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Генерал Узоқов кўчасигача.

53-сайлов округи. Маркази: 124-мактаб, Қурувчи кўчаси, 23-уй.
Чегараси Хондамир кўчасидан Зиё Саид кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ибрат кўчасигача, Ибрат кўчаси бўйлаб Қурувчи кўчасигача, Қурувчи кўчаси бўйлаб Шифокор кўчасигача, Шифокор кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Дилкаш кўчасигача, Дилкаш кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Дурбек 3-проездигача, Дурбек 3-проезди бўйлаб (икки томон) Дурбек кўчасигача, Дурбек кўчаси бўйлаб Қурувчи кўчасигача, Қурувчи кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хондамир кўчасигача, Хондамир кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Зиё Саид кўчасигача.

54-сайлов округи. Маркази: 236-мактаб, Муаллим кўчаси.
Чегараси: Истироҳат кўчасидан Бекобод кўчаси бўйлаб Меҳмондўст кўчасигача, Меҳмондўст кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Садоқат 1-проездигача ,Садоқат 1-проезди бўйлаб давом этиб Садоқат 2-проезди бўйлаб Хондамир 2-проездигача, Хондамир 2-проезди бўйлаб (жуфт томон) Ибрат кўчасигача, Ибрат кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Н. Хўжаев кўчасигача, Н. Хўжаев кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ильич 2-проездигача, Ильич 2-проезди бўйлаб Ильич кўчасигача, Ильич кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Усмон Носир кўчасигача, Усмон Носир кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Нашриёт кўчасигача, Нашриёт кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Заур ариғигача, Заур ариғи бўйлаб ҳалқа йўлгача, ҳалқа йўл бўйлаб Муаллим кўчасигача, Муаллим кўчаси бўйлаб Истироҳат кўчасигача, Истироҳат кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Бекобод кўчасигача.

55-сайлов округи. Маркази: 75-мактаб, Якдил 1-проезди.
Чегараси: Якдил кўчасидан Ҳамкор кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Зиё Саид кўчасигача, Зиё Саид кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Дилкаш кўчасигача, Дилкаш кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Дурбек 2-проездигача, Дурбек 2-проезди бўйлаб (икки томон) Дурбек кўчасигача, Дурбек кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Қурувчи кўчасигача, Қурувчи кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хондамир кўчасигача, Хондамир кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Зиё Саид кўчасигача, Зиё Саид кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ермуҳамедов кўчасигача, Ермуҳамедов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хондамир 2-проездигача, Хондамир 2-проезди бўйлаб Якдил 1-проездигача, Якдил 1-проезди бўйлаб Якдил кўчасигача, Якдил кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ҳамкор кўчасигача.

56-сайлов округи. Маркази: 109-мактаб, Садоқат кўчаси.
Чегараси: Ҳ. Ғафуров кўчасидан Бекобод кўчаси бўйлаб Ҳамкор кўчасигача, Ҳамкор кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Якдил кўчасигача, Якдил кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Якдил 1-проездигача, Якдил 1-проезди бўйлаб Хондамир 2-проездигача, Хондамир 2-проезди бўйлаб (жуфт томон) Садоқат 2-проездигача, Садоқат 2-проезди бўйлаб (жуфт томон) давом этиб Садоқат 1-проезди бўйлаб (жуфт томон) Меҳмондўст кўчасигача, Меҳмондўст кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Истироҳат кўчасигача, Истироҳат кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Муаллим кўчасигача, Муаллим кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Жарариқгача, Жарариқ бўйлаб Ҳ. Ғафуров кўчасигача, Ҳ. Ғафуров кўчаси бўйлаб Бекобод кўчасигача.

57-сайлов округи. Маркази: 4-мактаб, Лочин кўчаси.
Чегараси: Генерал Узоқов кўчаси бурчагидан Сулаймонхўжа кўчасигача, Сулаймонхўжа кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Дадил кўчасигача, Дадил кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Зиё Саид кўчасигача, Зиё Саид кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Дилкаш кўчасигача, Дилкаш кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Уйғур кўчасигача, Уйғур кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Генерал Узоқов кўчасигача.

КИРОВ РАЙОНИ

58-сайлов округи. Маркази: 1-музика мактаби, Ленин кўчаси, 20.
Чегараси: Навоий кўчасидан Энгельс кўчаси бўйлаб Коммунистическая кўчасигача, Коммунистическая кўчаси бўйлаб Романовский кўчасигача, Романовский кўчаси бўйлаб Ленинград кўчасигача, Ленинград кўчаси бўйлаб Ленин кўчасигача, Ленин кўчаси бўйлаб Ўзбекистон кўчасигача («Тошкент» меҳмонхонасини қўшган ҳолда) Бўзсув каналигача, Бўзсув канали бўйлаб Навоий кўчасигача, Навоий кўчаси бўйлаб Энгельс кўчасигача ва Марказ—4 даги 11, 12, 15, 16, 17, 18, 20, 21, 22, 23, 24, 25-уйлар.

59-сайлов округи. Маркази: 5-мактаб, Марказ— 4 квартали.
Чегараси: Навоий кўчасидан Энгельс кўчаси бўйлаб Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектигача, проспект бўйлаб Ленин номли проспектгача, Ленин проспекти бўйлаб Навоий кўчасигача, яъни Марказ—4 микрорайонидаги 1, 1-«а», 2, 3, 4, 5, 6, 9, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33-уйлар, «Дўстлик» меҳмонхонасини қўшган ҳолда.

60-сайлов округи. Маркази: 80-мактаб, Марказ—5 квартали.
Чегараси: Марказ—5 кварталидаги 34, 35, 36, 37, 38, 39, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82-уйлар.

61-сайлов округи. Маркази: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси клуби, Энгельс кўчаси.
Чегараси: Марказ—5 кварталидаги 40, 41, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 1, 2, ва икки қаватли бир квартирали 123-дан 165-гача бўлган уйлар.

62-сайлов округи. Маркази: 9-мактаб, Марказ—6 квартали,
Чегараси: Марказ— 5 кварталидаги 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67-уйлар ҳамда Марказ—6 кварталидаги 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97-уйлар.

63-сайлов округи. Маркази: Ҳисоб-кредит техникуми, Далазор кўчаси, 29.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Хуршид кўчаси бўйлаб Бўзсув канали соҳилигача, Бўзсув канали соҳили бўйлаб юқорига оқим бўйлаб Энгельс кўчасигача, кейин Энгельс кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хуршид кўчасигача, Марказ —6 кварталидаги 98, 99, 111, 113, 114, 116, 117, 118, 118-«а», 120, 120-«а», 121, 122, 122-«а» ва 165-дан 178-гача бўлган икки қаватли бир кварвтирали уйлар ҳамда эски тартибда қурилган уйларни қўшган ҳолда (5-туғруқхона ва Семашко номли институтнинг даволаш корпусларини қўшган ҳолда).

64-сайлов округи. Маркази: 70-ЖЭК, Барнаул кўчаси.
Чегараси: Нажмиддинов кўчасидан София проспекти бўйлаб (ўнг томон) С. Раҳимов кўчасигача, С. Раҳимов кўчаси бўйлаб Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Нажмиддинов кўчасигача, Нажмиддинов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) София проспектигача.

65-сайлов округи. Маркази: 143-мактаб, Уста Ширин проезди, 23.
Чегараси: София проспектидан Нажмиддинов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Гвардия полковниги Хўжаев кўчасигача (жуфт томон), Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб Бўзсув каналигача, Бўзсув канали бўйлаб София проспектигача.

66-сайлов округи. Маркази: 96-мактаб, Янги Ариқ кўчаси, 47.
Чегараси: Уста Ширин кўчасидан Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) М. Турғунбоева кўчасигача, М. Турғунбоева кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Железноводск 1-линиясигача, Железноводск 1-линияси бўйлаб (тоқ томон) Партия XXII съезди кўчасигача (жуфт томон) Миртемир кўчасигача, Миртемир кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчаси бўйлаб Гвардия полковниги Хўжаев кўчасигача.

67-сайлов округи. Маркази: 150-мактаб, Аваз Ўтар ўғли кўчаси, 5.
Чегараси: Уста Ширин кўчасидан Ойбек кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Партия XXII съезди кўчаси орқали темир йўл ёқалаб Миртемир кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Уста Ширин кўчасигача (жуфт томон). Уста Ширин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ойбек кўчасигача.

68-сайлов округи. Маркази: 63-мактаб, Шаҳристон кўчаси.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) М. Турғунбоева кўчасигача, М. Турғунбоева кўчаси бўйлаб Железноводск 1-линиясигача, Железноводск 1-линияси бўйлаб Партия XXII съезди кўчасигача, Партия XXII съезди кўчаси бўйлаб, темир йўл изини кесиб ўтиб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб Дарвозакент каналигача, Дарвозакент канали бўйлаб 1-Юнусобод тупигигача, 1-Юнусобод тупиги бўйлаб Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб Гвардия полковниги Хўжаев кўчасигача.

69-сайлов округи. Маркази: 129-шаҳар ҳунар-техника билим юрти, Юнусобод массиви, СД—2 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг А—1 микрорайонидаги 19, 25, 26, 29, 53, 54, 62, 63, 115-уйлар ва Д—2 микрорайонидаги 9, 11, 12, 13, 14, 17, 18, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 76, 77, 78, 80, 80-«а», 82, 83, 84, 85, 86, 87-уйлар, 129-техника билим юртининг ётоқхонаси, шунингдек қуйидаги чегарадаги уйлар: Энгельс кўчасидан 1-Юнусобод тупиги бўйлаб, Юнусобод кўчасигача, Юнусобод кўчаси бўйлаб Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб 1-Юнусобод тупигигача.

70-сайлов округи. Маркази: 220-мактаб, Юнусобод массиви, А—1 микрорайони.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Мирзааҳмедов кўчаси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача Энгельс кўчасигача, Юнусобод массивининг А—1 микрорайонидаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 25, 27, 28, 28-«а», 29, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 36-«а», 37, 39, 40, 49, 53, 54, 55, 58, 59, 61, 62, 63, 64, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 107, 108, 109, 110, 111, 112, 113, 114, 115-уйлар ва барча икки қаватли бир квартирали уйлар.

71-сайлов округи. Маркази: 21-мактаб, Юнусобод массиви, А—3 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг А—3 микрорайонидаги 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33-уйлар.

72-сайлов округи. Маркази: 41-ЖЭК, Юнусобод массиви, А—4 микрорайони.
Чегараси: Қорақамиш кўчасидан Мирзааҳмедов кўчасигача, Мирзааҳмедов кўчаси бўйлаб Каймаков кўчасигача, Юнусобод массивининг А—4 микрорайонидаги 11, 12, 12-«а», 16, 17, 18, 19, 19-«а», 23, 24, 25, 26, 27, 31, 32, 47, 52, 53, 54, 55, 58, 60, 67-уйлар ва А—3 микрорайонидаги 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 43-«а», 44, 44-«а», 45, 46-уйлар.

73-сайлов округи. Маркази: 86-мактаб, Юнусобод массиви, А—4 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг А—4 микрорайонидаги 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 21, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 49, 50, 51-уйлар.

74-сайлов округи. Маркази: 235-мактаб, Юнусобод массиви, Б—2 микрорайони.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Мирзааҳмедов кўчаси бўйлаб Чимкент трактигача, Чимкент тракти бўйлаб Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб Мирзааҳмедов кўчасигача, Юнусобод массивининг Б—2 микрорайонидаги 2, 4, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 20, 21, 23, 37, 40, 41, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 50, 52, 53, 54, 55, 56, 57-уйларни қўшган ҳолда.

75-сайлов округи. Маркази: 240-мактаб, Юнусобод массиви, Б—1 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг Б—1 микрорайонидаги 3, 6, 7, 8, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 50-«а», 59, 61, 63-уйлар.

76-сайлов округи. Маркази: «Тошкент» фирмаси, Юнусобод массиви, Б—1 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг Б—1 микрорайонидаги 2, 5, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 23, 25, 26, 27, 28, 29, 29-«а», 30, 31, 42, 49, 51, 52, 53, 54, 55, 85, 89, 107, 108-уйлар.

77-сайлов округи . Маркази: 51-ЖЭК, Юнусобод массиви, В—4 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг Б—4 микрорайонидаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 40, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66-уйлар, СБ—4 микрорайонидаги 1-«а», 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9-уйлар, СБ—5 микрорайонидаги 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-уйлар.

78-сайлов округи. Маркази: 247-мактаб, Юнусобод массиви, В—1 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг В—1 микрорайонидаги 5, 6, 7, 8, 9, 19, 20, 21, 22, 30, 31, 32-уйлар, Аҳмад Дониш микрорайонидаги 3, 3-«а», 3-«б», 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 66, 67, 68-уйлар.

79-сайлов округи. Маркази: Маданият уйи, Юнусобод массиви, СВ—1 микрорайони, 25.
Чегараси: Юнусобод массивининг СВ—1 микрорайонидаги 1, 1-«а», 1-«б», 1-«в», 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 9-«а», 9-«б», 9-«в», 10, 11, 11-«а», 11-«б», 11-«в», 13, 14, 15-«а», 15-«б», 15, 15-«в», 16, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 25-«а», 25-«б», 25-«в» уйлар, В-1 микрорайонидаги 10, 11, 12, 13, 14, 23, 24, 25, 25-«а», 26, 27, 28, 29-уйлар, «Шодлик» микрорайонидаги 14-уй.

80-сайлов округи. Маркази: Тартибни муҳофаза қилиш таянч пункти, Бульварная кўчаси, 56-уй.
Чегараси: Бульварная кўчасидаги (ўнг томон) 1, 4, 5, 55, 56, 155, 156, 157, 163, 162-уйлар, Бульварная кўчасидаги (чап томон) 46, 47, 164, 154, 158, 160, 53, 161, 159-уйлар, «Шодлик» микрорайонидаги 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13-уйлар.

81-сайлов округи. Маркази: 246-мактаб, Юнусобод массиви, В—4 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг В—4 микрорайонидаги 31, 32, 33, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 48, 49, 50, 51, 125, 170-уйлар, СВ—4-«а» микрорайонидаги 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9-уйлар, СВ—4-«б» микрорайонидаги 40, 40-«а», 41, 41-«а», 37, 38, 39, 30, 32, 16, 17, 27-уйлар, СГ—2 микрорайонидаги 1, 6, 7, 8, 10, 19-уйлар.

82-сайлов округи. Маркази: 37-ЖЭК, Юнусобод массиви, В—4 микрорайони, 25-уй.
Чегараси: Юнусобод массивининг В—4 микрорайонидаги 1, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 76-уйлар.

83-сайлов округи. Маркази: Ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, Юнусобод массиви, Д—3 микрорайони.
Чегараси: Юнусобод массивининг Д—3 микрорайонидаги 1, 2, 3, 4, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20-уйлар, шунингдек Юнусобод маҳалласидаги хусусий сектордаги барча уйлар.

84-сайлов округи. Маркази: асбобсозлик заводи клуби, Гвардейская кўчаси, 49.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Бўзсув канали соҳили бўйлаб «Водоканал» нинг Бўзсув бош иншоотигача, «Водоканал»нинг Бўзсув бош иншоотидан Отчопар кўчасигача, Отчопар кўчаси бўйлаб. Анапа кўчасигача, Анапа кўчаси бўйлаб Обь кўчасигача, Обь кўчаси бўйлаб Энгельс кўчасигача.

85-сайлов округи. Маркази: 58-мактаб, Гвардейская кўчаси, 53.
Чегараси: Гвардейская кўчасидан Анапа кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Обь кўчасигача, Обь кўчаси бўйлаб (икки томон) ўнгдан чуқур бўйлаб абразив комбинатининг посёлкасини қўшган ҳолда 27-мактабгача, 27-мактабдан, Бўзсув канали бўйлаб қуйи оқим томон Отчопар кўчасигача, Отчопар кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Анапа кўчасигача, Анапа кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Гвардейская кўчасигача («Чинобод» санаторийсининг даволаш корпуслари бундан мустасно).

86-сайлов округи. Маркази: 98-мактаб, ТашГРЭС.
Чегараси: Салор кўпригидан Жаҳон Обидова кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл изи бўйлаб Красновосточная кўчасигача, Красновосточная кўчаси бўйлаб Салор каналигача, Салор канали бўйлаб Жаҳон Обидова кўчасигача Салор кўпригигача.

87-сайлов округи. Маркази: 239-мактаб, Қизилқўрғон кўчаси.
Чегараси: Оққўрғон ариғидан Салор ариғи бўйлаб, Жаҳон Обидова кўчасини кесиб ўтиб Муродов кўчасигача, Муродов кўчаси бўйлаб Ж. Обидова кўчасигача, Ж. Обидова кўчаси бўйлаб «Водоканал» территориясигача, уни ёқалаб Қизилқўрғон кўчасигача, Қизилқўрғон кўчаси бўйлаб 1-Боғистон проездигача, 1-Боғистон проездидан Боғистон кўчаси бўйлаб Кабардин кўчасигача, Кабардин кўчаси бўйлаб Наманган кўчасигача, Наманган кўчаси бўйлаб Оққўрғон ариғигача, Оққўрғон ариғи бўйлаб Салор ариғигача.

88-сайлов округи. Маркази: «Узбексельмаш» заводининг клуби, Ж. Обидова кўчаси, 160.
Чегараси: Шчорс кўчасидан Озарбайжон кўчаси бўйлаб Ж. Обидова кўчасигача, Ж. Обидова кўчаси бўйлаб темир йўл ёқалаб (ўнг томон) Бўзсув каналигача, оқим бўйлаб юқорига «Водоканал» трести бош иншоотигача ҳамда унинг чегараси бўйлаб «Водоканал» трести уйларини қўшган ҳолда Ж. Обидова кўчасигача, Ж. Обидова кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Куйбишев райони чегараси ёқалаб, Тюмень, Благоев, Кемерова кўчаларини қўшган ҳолда Новомосковская кўчасигача, Новомосковская кўчаси бўйлаб Шчорс кўчасигача, Шчорс кўчаси бўйлаб Озарбайжон кўчасигача (шунингдек, «Узбексельмаш» ётоқхонасининг барча уйлари), Башкирская кўчаси бўйлаб 112, 112-«а», 42, 57/12, 49, 42-«а» уйлар.

89-сайлов округи. Маркази: 105-мактаб, Ж. Обидова кўчаси, 135.
Чегараси: Фирдавсий кўчасидан Ж. Обидова кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл изи бўйлаб Бўзсув ариғигача, Бўзсув ариғи бўйлаб қуйи оқим томон Фирдавсий кўчасигача, Фирдавсий кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ж. Обидова кўчасигача.

90-сайлов округи. Маркази: алоқа институти, Энгельс кўчаси, 108.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Бодомзор кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Тимирязев кўчасигача, Тимирязев кўчаси бўйлаб Бўзсув каналигача, каналнинг юқори оқими бўйлаб Фирдавсий кўчасигача (жуфт томон), Фирдавсий кўчаси бўйлаб Ж. Обидова кўчасигача (тоқ томон) Энгельс кўчасига, Энгельс кўчаси бўйлаб Бодомзор кўчасигача.

91-сайлов округи. Маркази: «Ташстройматериали» ишлаб чиқариш бирлашмаси клуби, Носиров кўчаси, 188.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Бодомзор кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Тимирязев кўчасигача, Тимирязев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Бўзсув каналигача. Бўзсув қуйи оқими бўйлаб «Ғалаба» парки чегарасигача, «Ғалаба» парки чегараси бўйлаб Энгельс кўчасигача ҳамда Энгельс кўчасини кесиб ўтиб Бодомзор кўчасигача.

92- сайлов округи. Маркази: 88-мактаб, Ж. Обидова кўчаси.
Чегараси: Ж. Обидова кўчасидан Гризодубова кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Шчорс кўчасигача, Шчорс кўчаси бўйлаб Озарбайжон кўчасигача, Озарбайжон кўчаси бўйлаб Ж. Обидова кўчасигача, Ж. Обидова кўчаси бўйлаб Гризодубова кўчасигача ҳамда Башкирская кўчаси бўйлаб 1, 3, 4, 5, 6, 7, 8-уйлар.

93-сайлов округи. Маркази: 70-мактаб, Носиров кўчаси, 2.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Ж. Обидова кўчаси бўйлаб Гризодубова кўчасигача, шу кўча бўйлаб (тоқ томон) Х. Эргашев кўчасигача, Х. Эргашев кўчаси бўйлаб Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб Ж. Обидова кўчасигача.

94-сайлов округи. Маркази: А. Қодирий номли маданият уйи, Тимирязев кўчаси, 22.
Чегараси: Гризодубова кўчасидан Х. Эргашев кўчаси бўйлаб Тимирязев кўчасигача, Тимирязев кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Хуршид кўчасигача, Хуршид кўчаси бўйлаб (чап томон) Астрономическая кўчасигача, Астрономическая кўчаси бўйлаб (чап томон) Мусоргский кўчасигача, Мусоргский кўчасидан Оққўрғон ариғи бўйлаб (оқим бўйлаб юқорига) Х. Эргашев кўчасигача, Х. Эргашев кўчаси бўйлаб (чап томон) Новомосковская кўчасигача, Новомосковская кўчаси бўйлаб Шчорс кўчасигача, Шчорс кўчаси бўйлаб (чап томон) Гризодубова кўчасигача, Гризодубова кўчаси бўйлаб Х. Эргашев кўчасигача.

95-сайлов округи. Маркази: ТИИМСХ ётоқхонаси, Станиславский кўчаси, 19.
Чегараси: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ётоқхонасининг барча корпуслари.

96-сайлов округи. Маркази: 51-мактаб, Белинский кўчаси, 2-Носиров проезди, 19.
Чегараси: Энгельс кўчасидан Х. Эргашев кўчаси бўйлаб (ўнг томон) Тимирязев кўчасигача, Тимирязев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хуршид кўчасигача, Хуршид кўчаси бўйлаб (ўнг томон Астрономическая кўчасигача, Астрономическая кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Тургенев кўчасигача, Тургенев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Урицкий кўчасигача, Урицкий кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Тимирязев кўчасигача, Тимирязев кўчаси бўйлаб (ўнг томон) Хуршид кўчасигача, Хуршид кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб. Х. Эргашев кўчасигача, шунингдек Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг ётоқхона корпуси.

97-сайлов округи. Маркази: 43-мактаб, Урицкий кўчаси, 19.
Чегараси: Энгельс кўчасидан В. Малясов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Урицкий кўчасигача, Урицкий кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Тимирязев кўчасигача, Тимирязев кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хуршид кўчасигача, Хуршид кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб В. Малясов кўчасигача.

98-сайлов округи. Маркази: 17-мактаб, Бородинская кўчаси.
Чегараси: Энгельс кўчасидан В. Малясов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Фрунзе кўчасигача, Фрунзе кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Бородинская кўчасигача, Бородинская кўчаси бўйлаб (тоқ томон) А. Толстой кўчасигача, А. Толстой кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Хоразм кўчасигача, Хоразм кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Энгельс кўчасигача, Энгельс кўчаси бўйлаб (жуфт томон) В. Малясов кўчасигача (Марказ—2 кварталидаги 23, 24-уйларни қўшган ҳолда).

Давоми келгуси сонда.

• Аввало инсон бўл

РАҲМАТ СИЗГА, ОДАМЛАР

Уйга келишим билан ўғлим қўлимга таклифнома тутқазди. Кимдан экан? Шундай хаёл билан зарҳал ҳарфларга кўз югуртирдим. Низомжон... Холида. Наҳот бу ўша Низомжон бўлса? Ҳа, худди ўзи. Мана адрес ҳам ўшаники.

Бир зумда кўз ўнгимда Низомжоннинг киёфаси гавдаланди. Кейин негадир қийди-пишди врачимиз Тожихон опани эсладим. Кичкина Бахтиёрнинг жимгина отасининг юзини силаб ўтириши, бутунлай бегона бир киши дардига малҳам бўлишга тайёр турган ўша меҳрибон палатадошларим бўй басти билан хаёлимда жонланди...

Низомжоннинг аҳволи кун сайин ёмонлашиб борарди. Палата врачи Тожихон опа эрталаб ишга кириб келиши билан биринчи навбатда Низомжондан хабар олар эди. У беморнинг нафас олиши ва томир уришига синчиклаб қулоқ соларкан ҳамиша «Қалай яхшими, кечаси безовта бўлмадими?» — деган бир хил савол билан бизга мурожаат қиларди. Тожихон опанинг бу сўз оҳангида бемор дардига нажот истовчи қандайдир бир илтижо бўлардики, биз палатадошлар меҳрибон врачимизнинг кўнглини кўтариш учун ақалли бир оғиз сўз айтишга ожиз қолардик.

Низомжонни бу ерга олиб келишганига бир ҳафта бўлибдики, шу аҳвол. Бунинг устига унинг на бир узоқ-яқини-ю, на оиласидан дарак бор. Бирдан бир жонкуяри шу Тожихон опа. Бир кунда тўрт-беш марта кириб чиқади бу палатага. Ҳар гал бемор устида парвона. Биз палатадошлар ҳам уни ёлғизлатиб қўймадик. Навбатманавбат беморга қараб туришни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик.

Роса еттинчи куни уни сўроқлаб бир кампир кириб келди. Кампир етаклаб олган 7—8 ёшлар чамасидаги бола Низомжонни кўрдию, жавдираганича унга тикилиб қолди. Кампир биз билан саломалик қилгач, бемордан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Низомжон гапира олмаса ҳам ҳар қалай кампирга мамнун термулиб турарди. Болани кўрганда негадир унинг киприкларига ёш қалқиди. Сўнг бирдан кўзларини юмиб олди.

— Ҳеч кимнинг бошига солмасин экан, —гап бошлади кампир аста. — Бечора ярим йилдан бери гапсиз, тилсиз. Унинг устига оёғиям, қўлиям ишламайди. Қандай йигит эди-я. Кўрганнинг ҳаваси келарди. Хотини ўлгур шу кўйга солди. Уни мана бу суюсурдай боласи билан ташлаб, бошқа эркак билан аллақаёққа қочиб кетди. Низомжон бечора бу иснодга чидай олмай, куя-куя шу дардга чалинди. Менинг отим Рисолат. Унинг қўшниси бўламан. Сиалардан илтимос, унинг иссиқсовуғидан хабардор бўлиб турингилар. Савоб бўлади. Биз борақолайлик энди.

Кампир болани қўлидан зўр-базўр судраганича чиқиб кетди. Улар кетгач, Низомжон кўзини очди. Кимнидир қидириб, шиддат билан ўрнидан турмоқчи бўлди. Уни аранг ётқизиб қўйдик.

Эртасига тушдан кейин енгилгина кийинган кечаги бола — Бахтиёр палатага кириб келди. Унинг икки қўлида иккита тухум. Биз ажабланиб болага тикилиб қолдик. У индамай олдимиздан ўтиб Низомжон ётган каравот тепасига борди. Қўлидаги тухумларни авайлаб шкафча устига қўйди. Каровот четига ўтириб, отасига термилганича кичик кафти билан унинг юзини оҳиста силай бошлади.

Кечқурун уни қидириб Рисолат хола келди.

— Ҳаҳ, боласи тушмагур-ей, шу ердамисан-а? Ахир қидирмаган жойим қолмади-ку. Нақ ўтакамни ёраёздинг. Бир оғиз айтмайсанми отамнинг олдига бораман деб.

Биз унга бўлган воқеани айтиб бердик.

— Вой боласи тушмагур, отасига илинганда. Бу тухумларни ўзига эрталаб сувга солиб пиширибди бергандим. Қаранг, емай бечққа олиб келибди, — деди кампир ёқасини ушлаб.

Шундан кейин Бахтиёр ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолди. У деярли ҳар куни касалхонага қатнайди. Ҳар гал жимгина ўтиргандан соатлаб отасининг юзини силайди. Онда-сонда бизга томонга ўгрингача қараб қўяди. Саволларимизга истар-истамас жавоб беради.

Шундай кунларнинг бирида келинчаклардек ясан-тусан қилиб олган, кўринишдан шаддодгина бир аёл сўровсиз-истовсиз палатага кириб келди. Орқасида иссиқданми ёки югуриганданми терлаб-пишиб кетган Рисолат хола. У ҳадеб жувонга илинади:

— Жон болам ундай қилманг. Ўтинаман, орқангизга қайтинг. Бечоранинг аҳволи оғир. Сизни кўрса бир кор-ҳол бўлиб юрмасин. Унга раҳмингиз келмаса болангизга раҳмингиз келсин. Уни тирик етим қилманг.

— Вой тавба. Ҳа, мунча жон куйдирасиз. Нима қилсам ўзим биламан. Бегона хотин сизга нима?!

Жувоннинг бу сўзи кампирни тутоқтириб юборди.

— Нима, нима? Ким бегона? Олти ойдан бери ўғлингни бағрида олиб ўтирган, эринг Низомжонни оқ ювиб, оқ тараган мен энди бегона бўлдимми? Бегона деб сени айтса бўлади. Йўқол, кўзимдан жодугар.

Шовқин-суронни эшитиб палатага Тожихон опа кирди. Кампир энди унга гап тушунтира кетди:

— Бунн қара қизим, бу қанақа нодонлик, бу қанақа бедодлик. Эри ўлим тўшагида ётса-ю, аҳмоқ хотин ундан заиф қоғозини сўроқлаб келса. Ҳа, ахир Низомжон кўзини очсин, оёққа турсин, кейин олар-сан ўша қоғозинг ўлгурни десам, «Йўқ, менга ҳозир керак. Шу бугуноқ загсдан ўчмасам бўлмайди» дейди. Сиз ўзингиз айтиб тушунтиринг қизим.

Тожихон опа жувонга нафрат билан тикилди. Нимадир демоқчи бўлди. Лекин тили бормади шекилли, индамай уни хонадан олиб чиқиб кетди. Жувон ўғли Бахтиёрга ҳатто қайрилиб қарамади ҳам. Унинг бу қилиғи кампирнинг асабини яна қўзғади.

— Қаранг-а, ўзи туғиб ўстирган фарзандидан ҳам заиф қоғози заруррроқ экан унга. Эрталаб келгандан бери ўғлини сўраб суриштирмикан дейман, бир оғиз чурқ этмайди. Охири зора инсофга келса деб ўзим оғиз очсам «Ҳозирча бола шу ерда юра турсин, кейин олиб кетарман. Эрим бегона болани ёқтирмайди», дейди. Узингнинг боланг сенга бегона бўладими, фарзанд кўр қилгур? Бахтиёр тугул унинг тирноғини ҳам сенга бермасман».

Шу дамда негадир қўшнимиз Зубайда холани эслаб кетдим. Унинг Қодиржон исмли ёлғиз ўғли бор эди. Айтишларича Зубайда хола оғир йилларда ҳам ўғлини хор-зор қилмай ўстирибди. Емай едириб, киймай кийдирибди. Лекин бир тасодиф туфайли Қодиржоннинг кўзи ожиз бўлиб қолибди. Тенгқурларидан бири отган рогатка ўқи Қодиржоннинг кўзига тегибди-ю шу фалокат юз берибди. Зубайда хола ўғлини орқасига ортмоқлаб бормаган, учрамаган доктори қолмабди. Ўшанда хола бечора қайсидир докторга шундай деб ялинган экан:

— Худо хайрингизни берсин доктор. Нима қилсангиз ҳам ўғлимнинг кўзини очинг. Агар керак бўлса менинг кўзимни олиб унга қўйсангиз ҳам розиман. Ўғлим кўр бўлгунча мен кўр бўла қолай. Ўла-ўлгунча хизматингизни қиламан. Умрбод сизни дуо қилиб оламдан ўтаман. Ишқилиб ўғлимнинг кўзи очилса бўлгани.

Доктор холанинг дод-фарёдига чидай олмабди. Боланинг кўзини очишга астойдил ҳаракат қилибди. Лекин у афсус мақсадига эриша олмабди. Ночорликдан холанинг олдида бўйин эгибди.

Аяган кўзга чўп тушади деганлари рост экан. Бунинг устига Қодиржон қандайдир дардга чалиниб, бевақт оламдан ўтибди. Ўшанда маҳалла аҳли онанинг оҳу-додига чидай олмаган экан.

Яқинда байрам муносабати билан Зубайда холани кўргани кирдик. Кампир шундоққина каравоти рўпарасига ўғлининг катта портретини осиб қўйибди.

«Ёлғиз зерикмай ўтирибсизми», десак, «Мен ёлғиз эмасман. Мана ёнимда Қодиржоним бор. У билан кеча-кундуз суҳбат қурганим-қурган», дейди хола ўғлининг портретини кўрсатиб. Яқинда билсак Қодиржон холанинг ўғли эмас экан. Хола уни ёшлигида асраб олган экан. Ахир Зубайда холаям она.

Ҳозиргина палатамиздан чиқиб кетган жувон ҳам она-ку. Ярим йил кўрмаган дўмбоғи, 8 яшар ўғли рўпарасида турса-ю, она унга эътибор ҳам бермаса. Фарзанд уволи тутмасмикин уни? Оғир аҳволда ётган эрининг нафрати уни қандай тинч қўяркин? Маҳалладошлар қарғишига учрамасмикин у? Она деган табаррук номга доғ туширган бу аёлни ҳақиқий маънодаги инсон деб бўладими? Оиласидан совутиб, ўғлидан жудо қилмоқчи бўлган кейинги эр унга эрлик қилармикан?

Ҳа, афсуски ўзини бадном қилган бундай одамларнинг кўзлари ҳам очила қолади. Сўнг пушаймон ҳам қилишади. «Кўр эканман, келинглар, энди мени кечира қолинглар» деб ўзларини гўлликка ҳам солишади. Баъзилар уларга балки яна инсоф қилишар, лекин барибир киши виждони, имони уларни мутлақо кечира олмайди.

Атрофингда яхшилар кўп бўлса ўлим ҳам сендан чекинар экан. Врачларнинг дори-дармонини ёки одамлар меҳрими, Рисолат холанинг елиб югуришими ёки Бахтиёрнинг шифобахш кафтлари сеҳрими, ҳар қалай мўъжиза юз берди. Низомжон тилга кирди. Кейин бир соат, ярим соат туриб ўтирадиган бўлди. Биз палатадошлар шифо топиб уйга қайтарканмиз у билан қуюқ хайрлашдик.

— Раҳмат, — дерди Низомжон эндигина тилга кираётган бола сингари тутила-тутила, — яхшиликларингизга қайтарай. Сизларнинг меҳрингиз туфайли соғайдим.

Биздан кейин кўп ўтмай у ҳам уйига қайтибди. Бу қувончли хабарни эшитиб, палатадошлар йиғилишиб Низомжонларникига бордик.

Ўша куни роса гурунглашиб, тонготарда уйга қайтдик. Орадан уч-тўрт ой ўтиб Низомжон бутунлай оёққа туриб кетди. У билан гоҳ-гоҳ бўлса-да ҳар қалай кўришиб турардик. Шундай учрашувлардан бирида у хотинидан сўз очиб қолди:

— Туғов куни ундан хат олдик. Эри ташлаб кетибди. «Ҳеч кимим қолмади, битта ўзим бошимни қайси тошга уришни ҳам билмайман. Шундай вақтларда ҳеч бўлмаса ёнимда ўғлим Бахтиёр бўлсачи деб ўкинаман. Афсус у ҳам мендан узоқда. Сиз ҳар қалай эркак кишисиз, бир кунингизни кўриб кетасиз. Ўтинаман, ўғлимни менга бериng», — деб ёзибди.

Шундан кейин Низомжон билан қайта учрашмадик. Мана энди эса қўлимда тўй таклифномаси. Демак, Низомжон уйланаяпти. Бахтиёр оналик бўлаяпти. Ишқилиб бахтли бўлишсин!

М. КОМИЛЖОНОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

СИЗЛАРНИНГ ДАСТЎРХОНИНГИЗГА

Ёғлиқ иваси сельди ҳушхўр балиқлар туркумига киради. У мазали, тўйимли бўлиб, организм томонидан осон ўзлаштирилади.

Ставрида ҳам мазалик хусусияти жиҳатидан ундан қолишмайди. Ставрида гўшти ўзида оқсил моддаси, минераль тузлар ва витаминларнинг бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бу балиқлардан барра ва ёғлиқ балиқ тўшини хуш кўрувчи кишиларга манзур бўладиган консервалар тайёрланади.

«СТАВРИДА» ёки «ИВАСИ СЕЛЬДИ» банкасини очиб, сиз нонуштага, тушлик ёки кечликка тезлик билан турли гарнирлар қўшилган хушхўр таомлар тайёрлашингиз мумкин.

СИЗЛАРГА КОНСЕРВАЛАНГАН БАЛИҚЛАРДАН ТАОМ ТАЙЁРЛАШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

Бунинг учун бир банка консерванинг ўзи кифоя (скумбрия ёки ставрида). Банка ичидаги бор масаллиқ олдиндан ёғ суртилган товага солинади. Сўнг унга ўртача катталикдаги икки бош пиёз парраклаб қирқиб солинади, устидан қайнатилган, доирачалар шаклида тўғралган картошка тўшалади. Кейин эса озроқ ёғ қуйиб, духовкага қўйилади. 7—8 минут ичида таом тайёр бўлади. Ҳам вақт тежалади, ҳам мазали ва тўйимли таом тайёрланади!



ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДАН

ҚУИИДАГИ КОНСЕРВАЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ИВАСИ СЕЛЬДИ, ТОМАТ СОУСИДАГИ СТАВРИДА, ЁҒЛИ СТАВРИДА ВА МИНТАЙ.

Чилонзор райпишчеторги.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, асбобсоз-слесарлар, йиғувчилар, монтажчилар, асбоб-ускуналар ремонти бўйича йиғувчилар, кранчилар, пармаловчилар, тракторчилар, силлиқловчилар, электр пайвандчилар, чархловчилар, стерженчилар, штамповкачилар, электр кранчилар, моделчилар, ер ўлчовчилар, қуювчилар, шофёрлар, электрокарачилар, юк ташувчилар, дурадгорлар, суворқчилар, гишт терувчилар, бетончилар, электр монтёрлар, механикаийғув цехи мастерлари, инженер-механиклар, инженер-технологлар, инженер-экономистлар, инженер-нормаловчилар, қоровуллар.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

универсаль ва кичик станокларнинг токарлари, фрезерчилар, асбоб-ускуналар ремонти бўйича слесарлар, ОТК контролёрлари, юк ташувчилар.

КУИБИШЕВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

электр пайвандчилар, асбобсоз-слесарлар, (асбоб-ускуналар ремонти бўйича), **сандон машинистлари, металл қирқувчилар.**

«Главташкентстрой»

3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ

23-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

дурадгорлар, монтажчилар, бетончилар, электр пайвандчилар, гишт терувчилар, темир қопловчилар.

1-АВТОКОМБИНАТГА

ҳайдовчилар, секретарь-машинистка.

СЕРГЕЛИ РАЙОН РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

дурадгорлар, суворқчи-бўёқчилар, облицовкачилар, бетончилар, газ-электр пайвандчилар, монтажчилар, прораб, ҳисоб-китоб бўлими бухгалтери, техника хавфсизлиги бўйича инженер, катта товаршунос, участка бошлиғи.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ИУЛЛАНМА ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУИИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУИБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси,
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

Тошкент область ижроия комитетининг

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

Қозоғистон ССРнинг Целиноград, Павлодар ва Тўрғай областларининг қўриқ совхозлари ва колхозларида қишлоқ хўжалигида ишлаш учун

ОИЛАЛАРНИ КЎЧИРАДИ

Кўчиш истагини билдирган оилалар жойларда квартира, турар жойлар, пул нафақалари, белгиланган манзилга боришдаги йўл ҳаражатлари ва бошқа имтиёзлар билан таъминланадилар.

Приморье ўлкасига кўшимча равишда ишчилар қабул қилинмоқда ва кўчадиган оилаларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тугатилмоқда.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент области, шаҳарлари ва районларида — шаҳар (район) ижроия комитетларининг меҳнат бўйича вакилларига ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига, Тошкент шаҳрида эса Привокзальная кўчаси, 30-уйга учрашилсин.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ

ДИҚҚАТИГА!

Корреспонденцияларни саралашнинг автоматлаштирилган усулига ўтилиши муносабати билан.

1983 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ҚУЙИДАГИЧА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

Унга биноан ташқи почта қутилари тармоғи орқали 114x162 мм. ҳажмли конвертлардаги хатлар ва 105x148 мм. ҳажмли почта карточкаларини жўнатиш йўлга қўйилади.

162x229 ва 229x324 мм ҳажмли стандарт конвертдаги хатлар фақатгина почтамтлар, алоқа узеллари ва бўлимларида ўрнатилган махсус почта қутилари орқали, зарурат туғилиб қолганда эса махсус кассалар орқали жўнатилиши мумкин.

Барча бошқа размердаги почта карточкалари ва конвертлардаги хатлар почта орқали жўнатиш учун қабул қилинмайди, почта қутиларига ташланганлари эса жўнатувчиларга қайтарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрнайвандчи, дурадгор, бўёқчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

10- синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар.

Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташгидротрансстрой» трестига ишга йўлланма берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона сурат (3x4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4- уй, (17- автобуснинг «12- турар жой шаҳарчаси», 13-трамвайнинг «Шимолий Шарқ массиви» бекати). Телефон 64-18-41.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

31 МАРТ — ЧОРШАНБА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.05 «Рус тили». 18.35 «Фан оламида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Майдонда биринчи, марта». Мультфильм. 19.40 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР —1 Куба терма командалари. Волгограддан олиб кўрсатилади. 20.10 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Омади келган киши». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти М. Биешу концерти. 23.20 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Нгуен Синь. «Ягона ўлка» симфоник поэмаси. 19.00 «Пионерская правда» газетасининг совғини учун самбо қураши бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.

«Дружба» универсал спортзалидан олиб кўрсатилади. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!», 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Оддий ой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 Спорт ҳафталиги. 23.40 «Қўшиқ сени излаб топади». Фильм-концерт.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Бойчечак». 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Узбекистон комсомолининг XXII съезди делегатлари съезлайдилар». 19.00 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». Бухоро области пахта тозалаш заводларининг йўқламаси. 19.30 «Аҳборот» (рус). 19.45 «Ижод саҳифалари. Г. Мусрепов». Езувчи туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 «Аҳборот». 20.50 «Сен ҳақингда куйлаймиз, комсомол». Т. Жалилов номли Давлат халқ чолғу оркестри иштирокида абадий-музикали композиция. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Қизиқувчилар экрани». Илмий-оммабоп программа. 18.45 «Эртанги кунга қадам қўядиганлар». Ҳужжатли фильм. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.50 «Ҳовлидаги стадион». 21.30 МТ II.

1 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Горнчилар, қаердасиз?». 10.20 «Омади келган киши». Бадиий фильм. 11.40 Ф. Шопен асарларини РСФСРда хизмат кўрсатган артистка В. Горностаева чалади (фортепьяно). 12.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Дўстларимиз экранн». Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси: «Болгария қишлоғи» (БХР); «Катта Фатрада баҳор (ЧССР); «Уни шерлар фабрикаси деб аташади» (ГДР). 16.00 Ўсмирлар учун музикали программа.

18.00 Халқаро болалар китоблари кунига. «Китоб уйи». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.15 Шахмат мактаби. Разрядлилар учун. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Тежамли экономика». Телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биргаликда, аҳил оиламиз». 20.00 «Ишга тайинланиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Ешлар адреслари». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Эстония ССР Давлат академик эркаклар хори куйлайди. Таллиндан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Шахтёрский Огонёк»нинг меридианлари». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск). 9.35 ва 13.05 Оналар мактаби. 10.35 ва 11.45 Табиатшунослик. 4-синф. Тупроқ ва уни муҳофаза қилиш. 10.55 «Қуруқликдаги ороллар». Илмий-оммабоп фильм («Киевнаучфильм»). 11.15 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик» (романнинг яратилиш тарихи). 12.40 ва 13.50 Зоология. 7-синф. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари. 13.35 «Медаборлар». Илмий-оммабоп фильм (Львов). 14.15 Социалистик халқ хўжалиги. 15.00 «Айбсиз қотиллар». Бадиий фильм (субтитр билан). 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 И. Гайди. Ми-бе-моль мажор сонатаси. 19.15 «Ҳужжатли экран». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 СССР халқ рассоми В. Белашова. 21.15 Красноярск ўлкаси бадиий коллективларининг чиқиши. 21.30 «Время». 22.05 «Оддий ой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.10 «Лешуконда отлар рақсга тушади». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 23.30 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Москва) — «Спартак» (Ленинград). «Динамо» универсал спорт залидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Зоология. Сут эмизувчилар синфи. Умумий обзор (рус). 12.00 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (такрорий). 12.30 Зоология. Сут эмизувчилар синфи. Умумий обзор. 13.00 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 1-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қувноқ камалак». Фильм-концерт. 18.35 «Еш куч». Болалар учун спорт кўрсатуви. 19.05 «Ёшлик» студияси қўшади. «Узбекистон комсомолининг XXII съезди делегатлари сўзлайдилар». 19.30 «Аҳборот» (рус). 19.45 «Билмаса ҳазил...». Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Аҳборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қўзиладиган мавсуми — масъулиятли давр». 22.25 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.20 Эстетика асослари. Социалистик реализм — совет санъатининг ижодий методи (рус). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Транспорт ва йўловчи». 20.45 Телевизион новеллалар театри. В. Шукшин. «Имтиҳон». 21.30 МТ II.

«Союзцветметшахтострой» Бутуниттифоқ бирлашмаси «Средазцветметшахтопроходка» трестининг йўқолган УЧБУРЧАКЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими 18-болалар поликлиникасининг касаллик варақаси ва рецептларга босиладиган йўқолган УЧБУРЧАКЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 114-ўрта мактаб коллективи шу мактаб директори Ш. Абдураҳмоновга онаси

Маҳбуба ОДИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Водоканал» трести коллективи водопровод тармоқлари бошқармасининг бошлиғи Ш. Ш. Шоҳадимовга акаси

Шоҳамдам ШОҲАЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 1/IV да Гурунг, 2/IV да — Абу Алн ибн Сино.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/III да Дилафрўзга тўрт ошиқ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/III да Отасининг қизи, 2/IV да Тақдир эшиги.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эмиль КИО раҳбарлигидаги ИЛЛЮЗИОН АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

31 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ:

«ПАРАНЖИ» — Қозоғистон.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЁҚҚА ҲАМ БОРАРДИ» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОҚ ЛИБОС КИЙГАН АЁЛ» — Чайка (18, 20.30, телефон 77-06-20) Нукус (16, 18.30, 20,30, телефон 46-70-69).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — Қозоғистон (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92).

«БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ» — Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

1 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ПАРАНЖИ» — Қозоғистон, «ОҚСОҚОЛ» — Дружба.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЁҚҚА ҲАМ БОРАРДИ» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОҚ ЛИБОС КИЙГАН АЁЛ» — Чайка (12, 15, 18, 20.30, телефон 77-06-20),

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — Қозоғистон (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92).

«БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ» — Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).